

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА
АКАДЕМИЯСИ**



ОСТОНОВ АСРОР АБДУЛЛА ЎҒЛИ

**“СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”**

мавзусида ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура**

Илмий раҳбар: ю.ф.н.(PhD) Ф.Х.Сафаев

Илмий маслаҳатчи: ю.ф.ф.д. (PhD)

Л.Х.Исоқов

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3-9
I БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	10
1.1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети, объекти, мақсад ва вазифалари).....	10-22
1.2. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили.....	23-32
II БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	33
2.1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги муносабатларда қонунийлик ҳолати ва прокуратура органларининг вазифалари.....	33-40
2.2. Соғлиқни сақлаш соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш.....	40-53
III БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	54
3.1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бўйича хориж тажрибаси.....	54-61
3.2. Соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг истиқболлари.....	61-71
ХУЛОСА	72-75
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	76-84
ИЛОВАЛАР	85-104

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва тиббий ёрдамга бўлган конституциявий кафолатланган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу қонунчиликни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида фуқароларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига эришишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциямизнинг 40-моддасида “*Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга*”, эканлиги ҳамда “Соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида “*Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қонундан бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар*” деб белгилаб қўйилиши давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга тайёр эканлигини кўрсатади. Ушбу норма давлат томонидан соғлиқни сақлаш соҳасидаги муносабатларнинг ривожланиши учун ҳам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Кейинги уч йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳасига оид **50 дан ортиқ фармон, қарор ва фармойишлари**, Вазирлар Маҳкамасининг **70 дан зиёд қарор ва фармойишлари** қабул қилинди. Бу эса соҳанинг ҳаётимиздаги ўрнини баҳолашга имкон беради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПФ-5590-сон Фармони, 2021 йил 5 майда қабул қилинган “**Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил**

давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги 6221-сонли Фармони, 2022 йил 24 мартда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “очик мулоқот”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 33-сонли Фармойиши ушбу соҳа қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш заруратини юзага келтирди.

Ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 25 майдаги 229-сонли Буйриғида соғлиқни сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал ривожлантиришга доир вазифалар ижроси устидан назорат ўрнатиш, оналар ва болалар ўлими ҳолатларининг сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, фармацевтика тармоғини ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада оширишга доир қонунчилик ижросини таъминлаш чораларини кўриш бўйича йўл ҳаритаси белгилаб берилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликда айрим муаммоли вазиятлар мавжуд бўлиб, баъзи соҳаларда фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра биргина 2022 йилнинг дастлабки тўрт ойида (январ-апрел) прокурорлар томонидан соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг 1,310 та бузилиши аниқланиб, натижада 887 нафар шахс интизомий, 370 нафар шахс маъмурий ва 9 нафар шахс моддий, 44 шахс эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси таҳлиliga кўра ушбу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари ўтган тўрт йилда мос равишда 2018 йил 3,824 та, 2019 йил 5,235 та, 2020 йил 3,431 та, 2021 йилда эса 3771 тани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Бироқ, 2018 йилдан 2021 йилгача прокуратура органлари томонидан ушбу соҳада аниқланган қонун бузилишларининг умумий сони деярли ўзгаришсиз қолганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлиғини ҳимоя қилиш муаммоси ҳали ҳам давлатнинг жиддий эътиборини талаб қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг тақдим этган маълумотларига кўра 2021 йилда фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича 46 808 та мурожаатлар, шу жумладан 19 та жамоавий шикоятлар келиб тушган. Мурожаатларнинг аксарияти тиббий-профилактика ва психиатрия ёрдами кўрсатиш, дори воситалари билан таъминлаш ва мажбурий тиббий суғурта масалаларига тўғри келди.

Фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ва уни тақдим этиш кафолатларини амалга ошириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишдаги камчиликлар, технологияли тиббий ёрдам тизимини етарли даражада молиялаштирилмаганлиги ва тиббиёт ходимлари малакасининг пастлиги, ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг тўлиқ шаклланмаганлиги билан тавсифланади.

Замонавий шароитда фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоатчилик муносабатларига мақсадли прокурор ва назорат таъсирининг самарадорлигини ошириш зарурати прокурор назоратининг энг муҳим жиҳатларини назарий жиҳатдан ўрганишнинг долзарблигини ва ушбу диссертация тадқиқотининг мазмунини белгилайди.

Адабиётлар рўйхати: Мавзуни ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан

прокурор назорати бўйича ҳали бирор диссертация ёки монография кўринишида тадқиқот иши қилинмаган.

Қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш масалалари эса В.И. Басков, А.Ж. Давлетов, М. Эсанов, З.С. Ибрагимов, О.М. Мадалиев, Б.Х. Пўлатов, С.Ё. Полвонов, М.Х. Рустамбоев каби олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Уларда қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш умумий жиҳатдан ёндашилган бўлиб, айнан маълум бир соҳада прокурор назоратини ташкиллаштириш ишлари баён этилмаган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш масалалари рус ҳуқуқшунослари А.В.Шибинова, Т.В.Ашиткова, В.Г.Бессарабов, А.В.Паламарчука, Ш.А.Валерьевнинг илмий ишларида атрофлича ёритилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликнинг қониқарсиз аҳволи ва ушбу соҳадаги бошқа салбий фактлар соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратининг ҳозирги кундаги долзарб масалаларини илмий тадқиқ қилиш ва соғлиқни сақлаш қонунбузилишларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўйича прокуратура органлари фаолиятини ташкилий ва услубий такомиллаштириш, шунингдек мазкур соҳада қонунчиликка ўзгартириш киритиш йўли билан қонунчиликни такомиллаштириш эҳтиёжини туғдирмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади прокуратура органларининг мазкур соҳадаги назорат фаолиятининг илмий ва амалий масалаларини ўрганиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, **тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Илмий адабиётларни, тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ва шу асосда ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан

прокурор назоратининг мазмуний таърифи ва махсус предметини шакллантириш;

2. Прокурор назорати амалиётини таҳлил қилиш ва умумлаштириш ва шу асосда соғлиқни сақлаш қонунчилигининг ижро қилиниш ҳолатига баҳо бериш;

3. “Соғлиқни сақлаш”, “соғлиқни сақлаш муносабатлари иштирокчилари”, “соғлиқни сақлаш соҳасида прокурор назорати” тушунчаларининг таърифини ишлаб чиқиш;

4. Прокурор назоратини тақшиллаштириш ва самарадорлигини оширишни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

5. Соғлиқни сақлаш қонунчилиги бузилишларини аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш тактика ва усулларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

6. Соғлиқни сақлаш қонунчилигига тизимли характер бериш ва натижалар бўйича соғлиқни сақлаш қонунчилигига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг илмий вазифаси соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг асосий элементларини назарий-ҳуқуқий асослантиришда, унинг ўзига хос жиҳатлари ва мазмунини очиқ беришда, шунингдек прокурор назоратини ҳуқуқий тартибга солиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-амалий таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганида ифодаланади.

Тадқиқотнинг объекти – соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича прокурорнинг ваколатларини амалга ошириш чоғида юзага келадиган комплекс муносабатлар.

Тадқиқотнинг предмети – соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижроси устидан прокурор назорати, соғлиқни сақлаш соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим

хорижий мамлакатлар қонунчилиги, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ-синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, эмпирик ва статистик таҳлил, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ушбу мавзуда биринчи марта тадқиқот ишига қўл урилганлиги, яъни соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ижроси устидан прокурор назорати бўйича алоҳида тадқиқот иши ўтказилмаган ва айнан шунинг учун тадқиқот ишимизнинг дастлабки илмий янгилиги шундан иборат;

- Тадқиқот ишида соғлиқни сақлаш соҳасида ишлатиладиган асосий тушунчаларнинг таърифлари ишлаб чиқилган.

- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ва бошқа хорижий давлатларнинг прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назорат институти қиёсий таҳлил асосида ёритиб берилган;

- Қонун устуворлигини бир хилда таъминлаш бўйича қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объекларини рўйхатини аниқ шакллантириш асослантирилган;

- Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида белгиланган прокуратура органларининг фаолият йўналишлари ўрганилиб, улар қаторига давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини таъминлаш мақсадида юқоридаги барча назорат йўналишлари бўйича масъул ва мансабдор шахсларнинг тақдим этган статистик маълумотларини объектив ва холис тарзда тўплаш, уларнинг ҳисобини юритиш, ҳуқуқий статистиканинг махсус рўйхатини юритишни назорат қилиш масаласи ёритилган;

- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган назарий қоидалар ва амалий таклифлар асослантирилган ҳолда тадқиқот амалга оширилган. Тадқиқот ишида илмий соҳадаги тадқиқотлар ва прокурор назорати материаллари таҳлил қилиниб, биринчи марта қуйидаги

янгиликларни ўз ичига олувчи бир қатор илмий ва амалий таклифлар шакллантирилган: соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунийлик ҳолати; прокурор назоратининг предмети ва доирасининг ўзига хос хусусиятлари; соғлиқни сақлаш муносабатлариг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунбузилишларини аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш тактика ва усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти тадқиқот ишида муаллиф томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор назорати назария ва амалиётини ривожлантиришдаги замонавий муаммолар ечими сифатида прокурор назоратининг предмети, доиралари, прокурор назоратини ташкиллаштиришнинг илмий ва амалий хусусиятлари бўйича аниқ хулосалар ва таклифлар тайёрланган. Улар прокуратура органларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш мақсадларида фойдаланиши мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши. Тадқиқот иши 104 бетдан иборат бўлиб, кириш, учта боб, олти параграф, хулоса, шунингдек фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети, объекти, мақсад ва вазифалари

Мамлакат ҳудудида қонунларнинг бир хилда ва тўлиқ ижро қилиниши устидан назорат қилиш прокуратура органларининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Прокуратура деярли барча давлатларда мавжуд бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бири ҳисобланади. Унинг фаолияти давлатнинг эрки, тузуми, мафкурасини ўзида ифода этувчи қонунлар моҳияти билан белгиланиб келинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хил бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”¹.

М.О. Мадалиев айтганидек, прокуратура органларининг ўзига хос жиҳати шундаки, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар чекланган ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокуратуранинг ваколатлари эса универсал характерга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун соҳасига қўлланилади².

Ўзларига юклатилган мазкур масъулиятли вазифани амалга оширишда прокуратура органлари фаолиятининг бир йўналиши бўлган прокурор назорати муҳим ўрин эгаллайди.

“Прокурор назорати дейилганида, Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа

¹ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм.) Т.: «ILM ZIYO», 2012. – Б. 42.

² Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 48.

қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади”³.

Прокуратура махсус давлат органи сифатида қатор вазифаларни амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат;

- жиноятларни тергов қилиш;

- жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат;

- жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- судларда маъмурий, фуқаролик, хўжалик низоларига оид, жиноят ишларини кўрилишида иштирок этиш ва прокурор ваколатларидан фойдаланиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ ва валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- ушланганларни, қамоққа олинганларни, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат;

- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш;

- умуман олганда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича назоратни амалга ошириш.

³ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.10.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида кўрсатилган прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган ҳуқуқий мунособатлар прокурор назоратининг предмети бўлиб, ҳар бир асосий йўналиш ўз мазмунига кўра, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши уларнинг эгаллаган лавозими ва мавқеига қараб турличадир.

Прокурор назоратининг предмети аниқлашда аввало, ушбу сўзнинг луғавий маъносини билиб олишимиз керак. “Предмет” атамаси қуйидагича маънони англатади: предмет – “бирор-бир ҳатти-ҳаракат йўналтирилган нарсадир”⁴.

Профессор Б.В.Кобейников прокурор назорати предмети тушунчасига аниқлик ва тўлиқлик киритиш ҳақида тўхталиб, “прокурор назорати предметининг тушунчаси масаласида юридик адабиётларда турли хил тушунчалар ва хилма-хил фикрларнинг мавжудлиги прокурор назоратини тўғри тушунишда қийинчиликларни вужудга келтиришини таъкидлаган”⁵.

Шунингдек, профессор А.П.Сафонов прокурор назорати предмети тушунчасини қуйидагича тушунтиради: “прокурор назоратининг предмети унинг функциялари каби бўлиши керак. Прокурор назоратини предметини аниқлаштириш прокуратура фаолияти ва у қамраб оладиган масалалар характерини кўрсатишни англатади”⁶.

С.А.Емельянов прокурор назоратининг предмети ҳақида ўз нуқтаи назарини илгари суриб, “прокурор назоратининг предмети – қонун бузилишларини ва уларга сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонунийликни тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш, қонун бузилишларини олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларни қабул қилишни ташкил қилади”⁷.

⁴ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.10.

⁵ Сафонов А.П. Сущность и пределы прокурорского надзора за соблюдением законодательства в местах лишения свободы. Сб. «Вопросы прокурорского надзора». М. 1972. – С. 141, 156

Емельянов С.А. Предупреждение правонарушений средствами общего надзора прокуратуры. М. 1980. – С.17

⁶ Ожегов С.И. Словарь русского языка. М.: 1975. – С. 401.

⁷ Коробейников Б.В. Правовое регулирование предмета общего надзора. В кН. «Совершенствование правового регулирования прокурорского надзора в СССР». М. 1976. – С. 96.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, Б.М.Спиридов, “назорат предмети – прокурор ўз вазифаларини самарали бажариши учун қилиши керак бўлган нарса”⁸, деган фикрни илгари сурган. Ушбу назарияга яқин фикрларни В.Г. Велкумов ва бошқа олимлар ҳам тасдиқлашган.

А.Х.Казарина прокурор назоратининг предмети тўғрисидаги турлича нуқтаи назарларни умумлаштирган ҳолда, “...баъзи илмий адабиётларда; прокурор назоратининг вазифалари билан прокурор назоратининг предметини ва шунингдек, прокурор назоратининг предмети билан объектиини аниқлаштиришда чалкашликларга йўл қўйишади”⁹.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасидаги прокурор назоратининг предмети давлат томонидан фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларини қай ҳолатда таъминланганлик даражаси тушинилар экан.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлатимиздаги қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун бузилиш ҳолларини аниқлаш, уларни ва вужудга келишига сабаб бўлган шарт-

⁸ Спиридонов Б.М. Прокурорский надзор за исполнением законности в исправительно-трудовых учреждениях. М. 1978. – С. 127.

⁹ Козлов А.Ф. О пределах общего надзора. Социалистическая законность. 1975. №5. – С. 51.

шароитларини бартараф этиш масалалари айнан шу йўналишда фаолият кўрсатаётган прокуратура ходимларига кўп жихатдан боғлиқ. Чунки қонун билан зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга ошира туриб, айнан прокурорлар биринчи бўлиб бундай ҳолатлар билан тўқнаш келишади ёки ўз ваколатлари доираларига кўра, бошқа назорат этувчи идоралардан келиб тушган ҳужжатлар бўйича прокурор назорати ҳужжатларидан бирини қабул қилишиб, бу идоралар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигига баҳо беришади.

Маълумки, прокурорлик назорати предметига Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари кирмайди. Аммо прокурор улар Конституция ва қонунларга зид деб ҳисобласа, ўз фикрини ифодалаган маълумотни Конституциявий судга юбориши мумкин.

Прокуратура тўғрисидаги қонунчилик прокуратуранинг назорат функцияси билан қонунларнинг ижро этилишидаги ўзаро боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Прокурор назорати соҳасидаги айрим мутахассислар томонидан ижро устидан назорат предмети фақатгина қонунларга тааллуқлиги, қонуности ҳужжатларига татбиқ қилинмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам айтиб ўтилган¹⁰.

Лекин, олимлар орасида қонуности ҳужжатлар (ҳукумат қарорлари, вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ва бошқалар) ижроси прокурор назоратининг предметига кириш-кирмаслиги борасида ягона фикр мавжуд эмас. Бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра, прокурор назорати Низом ва бошқа идоравий низомлардан бирортасини ижро этишга татбиқ этилмайди. Уларнинг ижросини назорат қилиш бошқа органлар томонидан назорат қилиниши керак, прокуратура томонидан эмас, деган фикрлар мавжуд¹¹.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Ўзбекистон Республикаси Бош

¹⁰ Ястребов В.Б. Прокурорский надзор. Учебник. М. 2001. – С. 168.

¹¹ Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М. 2006. С. 187; Комментарий к закону «О прокуратуре Российской Федерации», под ред. Ю.И. Скуратова. М. 2001. – С. 102.

прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадilar”, деган нормадаги “қонунларнинг” деган сўзни нафақат қонунларга нисбатан, балки умумий маънода қонунчиликка нисбатан деб тушуниш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аслида, прокурорлар қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишади.

Тадқиқот ишини ёзиш давомида ўрганилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда прокурор назорати амалиёти Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларини кенг шарҳлаш орқали шаклланган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг *“Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”*ги 25.05.2021 йилдаги 229-сонли Буйруғи, *“Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”*ги 24.11.2017 йилдаги 166-сонли буйруғи, *“Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”*ги 11.09.2017 йилдаги 139-сонли, *“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”*ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 25.09.2017 йилдаги 143-сонли, *“Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”*ги 07.11.2017 йилдаги 160-сонли Буйруқларида “қонунчилик ижроси устидан назорат” тушунчаси кенг қўлланилганлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, прокурор назоратининг предметини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси 2-қисмида “қонунларнинг ижроси” сўзларидан кейин “шунингдек, тегишли муносабатлар соҳасини тартибга солувчи қонунлар асосида ва уларнинг ижро этириш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг

норматив хусусиятдаги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бошқа қонуности ҳужжатлари” деган сўзларнинг қўшилиши мақсадга мувофиқдир.

Прокурор назорати объекти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, прокурор назоратининг объекти қонунлар ижроси устидан прокурор назоратига қаратилган ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташиқилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндисидан иборат бўлади.

О.М.Мадалиев фикрига кўра Прокурор назорати объекти прокуратуранинг ваколат доирасига қирувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндиси ҳисобланади¹².

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил август ойида бўлиб ўтган иккинчи чақирик олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўз маърузасида «Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади деб таъкидлаб ўтганлар.¹³

2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини янги таҳрири қабул қилинди. Янги қонун бўйича прокурор назорати объектидан фуқаролар чиқариб ташланди, чунки демократик жамиятда прокурорлик назоратининг объекти фуқароларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши бўлиши керак. Ҳақиқатдан ҳам прокуратуранинг назорат объекти фуқаролар бўлиши мумкин эмас, уларнинг белгиланган қонунларга амал қилиши назорат қилиниши ҳисобланади. Агар ҳар бир фуқаронинг фаолиятига прокуратура аралашаверса, прокуратура нодемократик тизимнинг ижросисига айланиб қолади.

¹² Мадалиев О.М. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм.) Т.: «ILM ZIYO», 2012. – 398 б.;

¹³ Каримов И.А. Адолат-қонун устиворлигида. / Халқ сўзи. 2001 й. 30 авг.

Демак, прокурор назоратининг объектларини ҳуқуқий татбиқ қилиши, яъни қонунларга риоя этиши ёки ижро қилиши, шунингдек улар томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади.

Ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида прокурор юридик адабиётларда прокурор назоратининг “соҳаси” деб номланадиган чегарада ҳаракат қилишади. Ушбу доирада амал қилиш ва ундан чиқиб кетмаслик жуда муҳимдир. Сабаби, ушбу чегарадан чиқиш прокурорлар ишини ташкил қилишда кўплаб муаммоларни келтириб юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари қуйидаги йўналишларда ўз фаолиятларини амалга оширишлари кўрсатилган:

- вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

- тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

- судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети билан прокурор назоратининг соҳаси тушунчаси амалий ва назарий жиҳатлардан кўп томонлама узвий боғлиқдир.

Прокурор назоратининг соҳаси масаласида яқдиллик йўқ. Прокурор назоратининг соҳасининг ўзи прокурор томонидан ўз ваколатларини амалга оширишга асос бўлиб, қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа хабарлар хизмат қилиши кераклигини айтиб турибди¹⁴.

Фикримизча, ҳозирги шароитда ушбу муҳим масалага аниқ ва мақбул таъриф томонидан берилган. Унинг фикрига кўра, прокурор назоратининг соҳаси амалда қуйидаги соҳаларда амалга оширилади:¹⁵

- Назорат амалга ошириладиган ташкилотлар соҳасига;
- Прокурорларга ижросини назорат қилиш юклатилган ҳужжатлар соҳасига;
- Қонунлар ижроси устидан умумий назорат характеридаги ишлар соҳасига;
- Қонунларнинг бузилишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш бўйича прокурор мажбуриятларини амалга ошириш бўйича.

Шундай қилиб, юқорида айтилган назарий тахминлардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини таҳлил қилган ҳолда, таклиф берамиз: “соғлиқни сақлаш соҳасидаги прокурор назоратининг соҳаси, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, соғлиқни сақлаш муносабатларини тартибга солувчи халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш қонунчилигини ижроси учун қабул қилинган қонуности ҳужжатлари билан белгиланиши керак.

¹⁴ Гуцин В.З. Прокурорский надзор за соблюдением конституционного права на объединение. М. 1998. – С. 98.

¹⁵ Берензон А.Д. Основные направления совершенствования общего надзора советской прокуратуры. Автореферат Дис. ... докт. юрид. наук. М. 1977. – С. 9.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, прокурор назорати тушунчасининг аҳамитига тўхталиб, профессор В.Б.Ястребов “қонунлар ижроси устидан назорат давлат томонидан у учун жуда муҳим бўлган соҳа – қонунийликни таъминлашда амалга ошириладиган назоратнинг самарали ва изчил шаклидир. Қонунларнинг устуворилигига асосланиб, унга аниқ ва оғишмасдан амал қилиш, шахсни, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг бош ва асосий мақсадидир” деб айтиб ўтган¹⁶.

Қонунчилигимизга асосан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуни қуйидагиларда ўз аксини топади:

- соғлиқни сақлаш қонунчилигининг бузилиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш;
- қонун бузилиши ҳолларида бунга айбдор бўлган шахсларни асосий ҳуқуқ ва эркинларига риоя қилмайдиган шахсларни аниқлашнинг шартлилиги;
- қонунчилик, биринчи навбатда, соғлиқни сақлаш соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлашнинг муҳимлиги;
- соғлиқни сақлаш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилишини бартараф қилиш, шу каби қонунбузилишларига олиб келадиган сабаб ва шароитларни бартараф қилишга қаратилган чораларнинг прокуратура органлари томонидан қўлланилиши;
- ҳуқуқбузарликлар оқибатида муайян фуқаролар ва ташкилотларга етказилган зарарни қоплаш масаласини мажбурий белгилаш.

Мазкур вазифалар Конституциянинг 118-моддасидан келиб чиқиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Бу прокуратура органлари фаолиятида назоратнинг барча йўналишлари ва

¹⁶ Ястребов В.Б. Надзор за исполнением законов как основная функция прокуратуры. Проблемы совершенствования прокурорского надзора. Материалы научно-практической конференции. М.: НИИ проблем укрепления законности и правопорядка. 1997. – С. 18.

соҳаларини бутунлигича, шунингдек, прокурорлик фаолиятининг алоҳида жиҳатларини ҳам қамраб олади”¹⁷.

Шундай қилиб, соғлиқни сақлаш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, ўз моҳиятига кўра, соғлиқни сақлаш соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги талабларининг ҳар қандай бузилишларини тўлиқ ва ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш, йўқ қилиш ва олдини олишга қаратилган прокурорнинг функционал фаолияти кўринишида намоён бўлади.

Соғлиқни сақлаш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларини янада аниқроқ тушунишимиз учун Ўзбекистон прокуратурасининг фаолиятининг мазкур йўналишининг асосий мақсад ва вазифаларини кўриб чиқишимиз лозим.

Кўплаб олимларнинг фикрича, прокурор назоратининг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва прокуратура органлари фаолиятининг тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган ва прокуратура органлари томонидан эришиш кўзланган натижадир, десак муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга, прокуратура амалиётидан маълумки, прокуратура органларининг назорат тадбирлари юқори самарадорликка эришишлари учун аниқ мақсадли характердаги вазифаларни белгилаб олишлари керак бўлади.

Деярли барча тадқиқотчилар прокуратура назорати бўйича прокуратура фаолиятининг мақсадлалрига кўра, уларнинг олдида турган вазифалар анча кўплиги ва улар ўз даражаси, мазмуни, ҳал қилиш воситалари ва ушбу вазифаларни белгилаш ва ҳал қилиш ваколатларига кўра фарқланиши тўғрисида хулосага келишган.

¹⁷ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. – Т.: 2008. – Б. 40.

Диссертация ишини ёзиш жараёнида ўрганилган материаллар асосида соғлиқни сақлаш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг асосий мақсадлари қуйидагилар, деган хулосага келдик:

- соғлиқни сақлаш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ижро этиш;
- соғлиқни сақлаш муносабатлари соҳасида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймаслик мақсадида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлаш;
- соғлиқни сақлаш соҳасида жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимояси.

Юқорида кўриб чиққан мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, диссертация ишимизда прокурорларнинг ўз олдига қўйган мақсадларини бажаришда ўз фаолиятларида прокурор ҳал қиладиган масалаларнинг жамланмаси сифатида соғлиқни сақлаш қонунчилигини ижро қилиниши юзасидан прокурор назоратининг вазифалари хусусиятларини аниқлаймиз.

Профессор Ю.Е.Винокуров қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг вазифаларини қуйидагилардан иборатлигини айтади¹⁸:

-қонун бузилишлари тўғрисида хабарлар келиб тушганда прокурор аралашувининг лозимлиги;

-қонун бузилишларини олдини олишда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати амалга оширилишида уларга берилган барча имкониятлардан самарали ва кенгроқ фойдаланиш;

-ҳуқуқбузарликлар содир этилганда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини янада фаол амалга ошириш.

Фикримизча, ушбу масалада В.Г.Бессарабовнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Унинг айтишича, қонунлар ижросини амалга оширишда прокурор назоратнинг вазифаларини доимий қилиб белгилаб қўйиб бўлмайди,

¹⁸ Прокурорский надзор. под ред. Ю.Е. Винокурова. М. 2007. – С. 119-120.

улар давлат ва жамиятда содир бўладиган иқтисодий, ижтисоий-сиёсий жараёнлар натижасида ўзгариб туради¹⁹.

С. И. Озеговнинг сўзларига кўра, вазифа – бу ижро этишни ва қилишни талаб қиладиган нарсадир²⁰. Олимнинг ушбу таърифи кўпчилик юрист-олимларнинг диссетрация ишимизда юритилаётган прокурор назоратнинг вазифаси таърифларига жуда мосдир. Прокурор назоратининг умумий вазифалари прокуратура фаолиятининг алоҳида йўналишларига, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратига қараб тобора хусусийлашиб боради.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда прокурор назоратининг вазифаларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни дарҳол бартараф этиш юзасидан зарур чораларни қабул қилиш;
- Соғлиқни сақлаш қонунчилигига риоя қилиниши соҳасида назорат ваколатлари берилган ижро ҳокимияти органларининг фаолиятида қонунийликка риоя қилинишини назорат қилишни амалга ошириш;
- барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан соғлиқни сақлаш қонунчилигининг амал қилиниши устидан юқори савиядаги назорат текширувларини ўтказиш;
- соғлиқни сақлаш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгар шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича чоратadbирларни сўзсиз таъминлаш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаш.

¹⁹ Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М. 2006. – С. 189-190.

²⁰ Ожегов С.И. Словарь русского языка, под ред. Н.Ю. Шведовой М. 2005. – С 203.

1.2. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликнинг назарий- ҳуқуқий таҳлили

Ижтимоий ҳодисаларнинг ҳуқуқий асослари давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар фаолиятида қонунийликни таъминлайди, шу билан ҳуқуқбузарлик режимини сақлайди, ўзида мужассам этган тартиблилик, уюшқоқлик ва интизомни акс эттиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратади.

Шу муносабат билан “ҳуқуқий асос” ҳуқуқий ва ижтимоий тизимларни мустаҳкамловчи бўғини ҳисобланиб, улар ривожланишининг асосий тенденцияларига йўналтирилган ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг йўналишини, ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий мафкура тизимининг моҳиятини белгилайди. Ҳуқуқий асослар категориясининг кўлами ва мазмуни илмий адабиётларда аниқ белгиланмаган. Яъни, **"ҳуқуқий асос"** ёки **"муайян ҳодисаларнинг ҳуқуқий асоси"**дан фойдаланиш ҳақида умумий қабул қилинган тушунча йўқ.

Прокурор назорати масалалари бўйича қонунчилик ва тадқиқотларда ушбу тушунчанинг кўплик шаклида қўлланилиши устунлик қилади.

Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ва ҳуқуқий тартибга солинишини фарқлаш керак, биринчиси, иккинчисининг асосидир. Ҳуқуқий тартибга солиш давлатнинг муайян ижтимоий муносабатларга (барқарорлаштириш ва тартибга солишни талаб қиладиган) махсус ҳуқуқий воситалар ва усуллар билан мақсадли таъсирини ўз ичига олади. Шу билан бирга, ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий таъсирнинг кенгроқ тушунчасининг ифода этади.

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳуқуқий воситалар ва усуллар билан тартибга солишни талаб қилувчи барқарор бир хилдаги ижтимоий муносабатларни қамраб олади.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни фақат қонун билан тартибга солишнинг иложи йўқлиги сабабли, қонун чиқарувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солиш доираси ва унинг чегараларини белгилайди.

Шу маънода ҳуқуқий асос ва ҳуқуқий тартибга солиш механизми бири билан чамбарчас боғлиқ, чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам умумий мақсадларга йўналтирилган.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий асос ва ҳуқуқий тартибга солиш мазмуни тор ва кенг маънода талқин қилинади.

Кенг маънодаги ҳуқуқий асос фақат ҳуқуқий тартибга солиш фаолиятининг муайян турини тўғридан-тўғри тартибга солувчи эмас, балки бундай фаолият учун зарур шарт-шароитларни тартибга солувчи асосий қоидаларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бутун мажмуаси ҳисобланади.

Тор маънодаги ҳуқуқий асос эса тегишли фаолиятни бевосита тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган соҳада прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси соғлиқни сақлаш соҳасидаги фуқароларнинг комплекс ҳуқуқлари ҳаётийлигини ва ушбу ҳуқуқлар билан боғлиқ давлат кафолатларини таъминлашни кафолатлайдиган ҳуқуқий асослаш ўртасидаги бўғинга айланади.

Прокурорлик фаолиятининг ҳуқуқий таркибий қисмига нисбатан амалдаги қонунийлик режимидаги бундай талқинлар ташкилий жиҳатдан бир хил фаолиятнинг бошланғич тамойилларини ўрнатишга ёрдам беради.

Э.И.Козлова, О.Э.Кутафин ва бошқа олимларнинг фикрига кўра, "Маълум бир соҳада фуқароларнинг ҳуқуқларини меъёрий мустаҳкамлаш ва тартибга солиш маълум бир ҳуқуқий нормалар тўплами орқали амалга оширилади"²¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, қонун ижодкорлиги натижасида қонун ҳужжатлари орқали фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари ҳуқуқий воқеликда ўз ифодасини топмоқда.

²¹ Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России: учеб. М.: Юрист, 2003. С. 254 – 257; Алексеев С.С. Структура советского права. М., 1975. С. 27 – 28, 36 – 37, 158; Зорькин В.Д. Цивилизация права: современный контекст // Журн. конституц. правосудия. 2014. № 5.

Илмий адабиётларда кўпинча прокуратура назоратининг ҳуқуқий асослари "прокуратура фаолиятининг муайян соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тўплами" ёки прокуратура фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бериш ва уни мустақамлаш учун асосларни белгиловчи меъёрий ҳужжатлар тўплами деб аталади. Бироқ, ҳозирча бу нуқтаи назарнинг ҳеч қандай асоси йўқ.

Бизнинг фикримизча, фанда ишлаб чиқилган ёндашувларни умумлаштириб қуйидаги таърифни шакллантирамиз:

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш бўйича прокуратура назоратининг ҳуқуқий асослари прокуратура назоратини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами яъни, фаолиятни ташкил этиш ва тартибга солиш, фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ҳуқуқларини назорат қилиш субъектларининг ваколатлари ва уни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар фуқароларнинг соғлиғини, ваколатларини ва прокуратура назорати объектларининг жавобгарлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг ҳуқуқий асослари "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига кўра прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби ҳамда уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни ҳамда давлат томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар эканлига айтиб ўтилган.

Тартибга солиш кўламига қараб, фуқароларнинг соғлиғини сақлашга бўлган ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, унинг тизилмасини ташкил этиш бўйича прокуратура назоратининг ҳуқуқий асослари элементларини қуйидаги тизимлаштиришни таклиф қилиш мумкин:

1) фаолиятни ташкил этиш ва тартибини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, фуқароларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш субъектларининг ваколатлари (биринчи даражали элемент ёки прокуратура назоратининг ҳуқуқий асослари; тор маънода).

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-120-моддаларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши ва прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланиши қайд этилган.

2) прокуратура назоратининг ҳуқуқий асосларининг иккинчи даражали элементи кенг маънода прокуратура назоратининг ҳуқуқий асослари тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш механизми ва қафолати, ваколати, прокуратура назорати объектларининг жавобгарлиги ҳисобланади.

Ушбу прокуратура назоратининг ҳуқуқий асослари инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари, жинсий ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда белгиланган нормалари ва уни амалга ошириш учун муҳим бўлган қоидаларини ўз ичига олади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар прокуратура назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Ҳуқуқий кучга қараб, прокуратура назоратининг ҳуқуқий асосларини унинг таркибий қисмларига ажратиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлар;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари,
- бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси соғлиқни сақлаш бўйича прокуратура назоратининг ҳуқуқий асоси сифатида аҳоли саломатлигини

муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Конституция Муқаддимасининг еттинчи бандида Конституция фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб қабул қилинган деган жумланинг мавжудлиги, ҳамда 40-моддасида ҳар бир инсон учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланганлиги ушбу ҳуқуқий асоснинг қанчалик даражада муҳимлигини англатади.

Соғлиқни сақлаш ҳуқуқига нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи ва вақтинча бўлган чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам эга.

Давлат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, халқаро ҳуқуқнинг умумейтироф этилган тамойиллари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳар бир инсоннинг соғлиғини ҳимоя қилишни кафолатлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсоннинг соғлиққа бўлган ҳуқуқини мустаҳкамламайди. Чунки, шахс ўзининг соғлиғини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланишдан олдин бу каби ижтимоий муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқий асосга эга бўлиши лозим.

Юқоридаги таҳлилларимиз натижаси С.В.Растороповнинг позициясини қўллаб-қувватлаш учун асос бўлади, унинг назариясига кўра соғлиқ ҳуқуқи, инсоннинг яшаш ҳуқуқи, биринчи навбатта, давлатнинг олий норматив ҳужжатида ифодаланиши лозим.²²

Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари ва еркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумейтироф этилган тамойиллари ва нормаларига мувофиқ тан олинади ва кафолатланади.

²² Расторопов С.В. Уголовно-правовая охрана здоровья человека от преступных посягательств: моногр. СПб., 2006. С. 22.

Хусусан, соғлиқни сақлашни тартибга солиш **“Инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон Декларацияси”**нинг 25-модда қоидалари асосида амалга оширилади²³.

Унда ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда касаллик, ногиронлик, қариллик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларда давлат томонидан таъминланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

1995 йил 28 декабрда ратификация қилинган **“Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”**ги халқаро Пакт соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам ҳуқуқини таъминлаш бўйича Давлат фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилайди²⁴.

Агар биз Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини юқорида санаб ўтган қоидалари билан таққосласак, умуман олганда у ушбу ҳужжат нормаларига мос келишини таъкидлаш мумкин.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни юқори стандартларни амалга ошириш учун ҳуқуқий ёрдамни доимий равишда такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни ривожлантириш учун тегишли концепцияни қабул қилиш талаб этилади.

Минтақавий халқаро шартномалар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, **“Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”**ги Битим (1992)²⁵, **“Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг фуқароларига тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”**ги Битим (1997)²⁶, **“ОИВ инфекциялар муаммоларини ҳал қилишда ҳамкорлик тўғрисида”**ги

²³ <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>

²⁴ <https://lex.uz/docs/2686000>

²⁵ <https://lex.uz/docs/2744521>

²⁶ [https://nrm.uz/contentf?doc=17940_soglashenie_o_sotrudnichestve_v_reshenii_problemi_vich-infekcii_\(moskva_25_noyabrya_1998_g_\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=17940_soglashenie_o_sotrudnichestve_v_reshenii_problemi_vich-infekcii_(moskva_25_noyabrya_1998_g_)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

Битимлар(1998) фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашга ёрдам беради.

Юқорида санаб ўтилган битимлар шартларини бажаришни ўз зиммасига олган тарафлар соғлиқни сақлашни бошқариш тизимини такомиллаштириш, тиббий хизматлар бозорини яратиш, харажатларни ўзаро қопламасдан фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича маслаҳатлашадилар ва тажриба алмашадилар.

Халқаро нормаларни умуминсоний халқаро-ҳуқуқий меъёрлар деб ҳисобловчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, инсоннинг конституциявий даражада мустақкамлаб қўйилган соғлиғини сақлашга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишни норматив жиҳатдан тартибга солиш умуминсоний талаблар асосида амалга оширилар экан.

Фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий асоснинг элементи сифатида хусусиятларини тавсифлашни бошлашдан олдин, **"соғлиқни сақлаш ҳуқуқи"** тушунчасининг мазмунига тўхталиб ўтиш керак.

Ушбу тушунча кўрилаётган соҳада прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини очиқ беришга имкон беради. Замонавий юридик фанда "соғлиқни сақлаш ҳуқуқи" тушунчасининг мазмунига ягона ёндашув ҳали ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи соҳасидаги бошқа ҳуқуқлар мажмуи орқали таъминланиши белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг кўриб чиқилаётган соҳадаги ваколатлари уларнинг соғлиғи, ёши, ижтимоий мавқеи ва бошқа фактлари туфайли бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади.

Ушбу соҳадаги ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмига фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокуратура назорати киради.

Прокурорлар фуқароларнинг енг заиф ижтимоий тоифалари сифатида вояга етмаганлар, ногиронлар, Улуғ Ватан Уруши фахрийлар, она ва боланинг соғлиғини муҳофаза қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундан ташқари, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал ривожлантириш, оналар ва болалар ўлими ҳолатларининг сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, фармацевтика тармоғини ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада оширишга оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш, шифокор рецепти асосида бериладиган дори воситаларини ноқонуний сотилишини олдини олиш бўйича назорат тадбирларини кучайтирмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда "соғлиқни сақлаш ҳуқуқи"ни аниқ ифода этувчи тушунча мавжуд эмас, ушбу ҳуқуқ соҳаси қайси элементлар ва ваколатлар киришини аниқ акс еттирмайди. "Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонунда фақат соғлиқни сақлаш ҳуқуқи таъминланадиган асосий фаолият йўналишлари санаб ўтилган.

Соғлиқни сақлашни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солишнинг асосий атамасининг ноаниқлиги нормаларни амалга ошириш жараёнида "соғлиқни сақлаш ҳуқуқи"ни тавсифловчи ваколатларнинг мазмунини аниқлашда турли хил ёндашувларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу еса ўз навбатида фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ҳуқуқларига риоя қилишнинг аниқ ҳуқуқий режимини ўрнатишга тўсқинлик қилади.

Кўпгина олимлар соғлиқни сақлаш ҳуқуқини унинг мураккаб мазмуни, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш, дам олиш, қулай муҳит ва унинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумотлар, ижтимоий суғурта, шунингдек умуман яшаш ҳуқуқи орқали кўриб чиқадилар.²⁷

Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи соғлиқни сақлаш соҳаси тизимини шакллантирувчи институтдир. Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи шахсий ва айни пайтда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг табиати билан боғлиқ бир қатор хусусиятларга ега, гиёҳванд моддалар билан таъминлаш, суғурта, юқумли касалликлар, тиббий фаолиятнинг айрим турлари, генетик муҳандислик ва бошқалар каби муассасаларда кўрсатилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш ҳуқуқини амалга ошириш орқали инсон ҳаётининг барча соҳаларига (сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, илмий, тиббий) таъсир қилувчи давлат томонидан кафолатланган ваколатлар мажмуи сифатида белгиланиши мумкин.

Давлат ўз фуқароларининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги энг муҳим эҳтиёжини давлатнинг молиявий имкониятлари доирасида универсал халқаро стандартлардан паст бўлмаган ҳолда қондиришни таъминлаши лозим.

Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари тизимининг асосини ташкил этади. Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи шахснинг "ҳаёт сифати"ини белгилайдиган энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қондиришини таъминлаш учун яратилган бўлиб, ушбу ҳуқуқ соҳасига мураккаб ва кўп қиррали қонун сифатида қараш керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, соғлиқни сақлаш тушунчасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва унинг аниқ мезонини ишлаб чиқиш лозим.

Хусусан, биринчи навбатда, ушбу соҳа ҳуқуқий асосини Конституцияда аниқ ифода этишимиз лозим. 2022 йил 18 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқоти

²⁷ Литовка А.Б. Право на охрану здоровья и медицинскую помощь в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2005; Тихомиров А.В. Организационные начала публичного регулирования рынка медицинских услуг. М., 2001. С. 87; Жильская Л.В. Социальная функция государства по охране и укреплению здо-

мобайнида «Амалдаги Конституциямизнинг 40-моддасида „Ҳар бир киши малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”, - деб белгилаб қўйилган, лекин биз халқимиз соғлиғини сақлаш соҳасида улкан мақсад ва вазифаларни олдимизга қўяётган ҳозирги шароитда, ушбу конституциявий модданинг ўзи етарли эмас», — деб такидлаганлиги ҳам бежиз эмас.

Бундан ташқари, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш бўйича амалдаги барча нормаларни ўзида қамраб олган ягона Кодефикация тизимини ишлаб чиқиш лозим. Чунки, кодекс ягона бир соҳа тижтимоий муносабатларини тўла қамраб олади ва ҳуқуқий тартибга солиш жараёни самарадорлигини оширади.

II БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги муносабатларда қонунийлик ҳолати ва прокуратура органларининг вазифалари

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назорати ижтимоий, экологик ва иқтисодий соҳаларда қонун устуворлигини таъминлайдиган мураккаб инсон ҳуқуқлари институти ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи томонидан қабул қилинган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш прокуратура ходимларининг доимий назоратидадир.

Махсус адабиётларда қонунийлик ҳолатидаги муаммолар доимо этиборли аҳамиятга касб этган. Қонунийлик ҳолати **"ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиш ўлчови сифатида, уни амалга оширишнинг муайян даражаси"** деб қаралади.²⁸

Амалдаги қонунийлик ҳолатининг тавсифи регламентланган талабларнинг ҳақиқий ижро этилишининг кўрсаткичидир.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунийлик даражасининг ўлчови ижтимоий давлат томонидан фуқаролар олдидаги сифатли ва арзон тиббий ёрдам кўрсатиш, дори воситалари билан таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишидир.

Давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган соғлиқни сақлаш соҳасининг қониқарсиз ҳолати узоқ вақт давомида жамоатчилик эътиборида бўлиб, у бир неча бор инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг йиллик ҳисоботларида қайд этилган.²⁹

²⁸ Борисов В.В. Правовой порядок развитого социализма. Вопросы теории. Саратов. 1977. С. 328 – 329.

²⁹<http://www.ombudsman.uz/uz/docs/ozbekiston-respublikasi-oliy-majlisining-inson-huquqlari-boyicha-vakili-ombudsmanning-2021-yildagi-faoliyati-togrisidagi-hisoboti>

Давлат ҳокимияти органларининг амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларига қарамасдан, ҳозирги кунга қадар кўриб чиқилаётган соҳада қонунийлик ҳолатини тубдан яхшиланмаган.

Баъзи маълумотларга кўра Ўзбекистон бир қатор кўрсаткичлар бўйича бошқа ривожланган мамлакатлардан орқада қолмоқда: хусусан, 2021 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини давлат томонидан молиялаштириш 21 047,8 миллиард сўмни ёки ялпи ички маҳсулотнинг 3,1 фоизини ташкил этди. Бу кўрсаткич Европа ва бошқа Осиё давлатларида 3.7 % , Америкада эса – 10 – 17 % ни ташкил этади. Мамлакатнинг умумий соғлиқни сақлаш индекси 2021 йил ҳолатига кўра 5,3 баллга кўтарилиб, 88-ўринни эгалламоқда³⁰.

Фуқароларнинг тиббий ёрдам олиш ҳуқуқларининг бузилишларини ўз вақтида бартараф этиш учун прокуратура органи соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш муассасалари, стационар ва амбулатория бўлимларини қисқартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси ижроия органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини тизимли равишда таҳлил қилишлари керак.

Прокуратура органи соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун ажратилган маблағлардан самарасиз фойдаланиш фактларини очиқ беради.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилмоқда, бу аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидаги ўзгаришларга олиб келмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 21 июлдаги ЎРҚ-629-сонли Қонунига асосан **“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”**ги Кодексга 165¹-моддаси киритилди.

Унга кўра таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар мавжуд бўлмаган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш

³⁰<https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/presscenter/pressreleases/2021/12/data-on-healthcare-expenditures-in-uzbekistan-in-2021-are-now-pu.html> (10.05.2022 ҳолатига кўра)

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш белгилаб қўйилди³¹.

Ўрганилаётган соҳада прокуратура назорати ҳолати тўғрисида аниқ хулосалар чиқариш статистик маълумотларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Прокуратура органларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни назорат қилиш бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилиш имконини берувчи тегишли (П шаклида) ҳисобот линиясининг ҳуқуқий асоси 18.11.2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг Бош Прокурори томонидан тасдиқланган “Прокуратура органларида статистик ҳисоботларни юритиш ҳақида”ги 177-сонли буйруғида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси таҳлилига кўра тўрт йил давомида, яъни 2018 йилдан 2021 йилгача соғлиқни сақлаш бўйича аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари барқарор равишда қолмоқда.

Хусусан, 2018 йил 3,824 та, 2019 йил 5,235 та, 2020 йил 3,431 та, 2021 йилда эса 3771 тани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Дастлабки икки йилда ушбу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатларида кескин кўтаралиш кузатилган. Сўнгги икки йилда ҳам шундай ҳолатга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Фақат ундаги ўсиш паст кўрсаткични ташкил қилаган.

Қизиқарлиси эса ушбу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари кўриб чиқилаётган муддатнинг дастлабки ва охириги йилдаги динамикаси деярли барқарор қолмоқда.

Прокурорлик фаолиятининг статистик кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар бузилган тақдирда прокурор томонидан энг кўп қўлланиладиган чоралар ҳуқуқбузарликларни баргараф этиш ҳисобланади.

³¹ <https://lex.uz/docs/4905547>

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бўйича чиқарилган тақдимномалар прокурор назорати ҳужжатларининг асосий қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси таҳлилига кўра 2018 йилга нисбатан соғлиқни сақлашни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаш бўйича прокурорлар томонидан киритилган тақдимномалар сони 2021 йилда 26 фоизга ошиб, 11 075 та тақдимномадан 14 812 тага етди.

Прокурорларнинг назорат остидаги объектларга тақдимномаларини киритишнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- ички идоравий сифат назорати ва тиббий фаолият хавфсизлигини нотўғри амалга ошириш;
- соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник таъминоти;
- дори-дармон таъминоти;
- санитария-эпидемиология фаровонлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик;
- тиббий ва фармацевтика фаолиятини литсензиялаш;
- тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби ва стандартлари хусусан, тиббиёт муассасалари ходимлар билан таъминланмаганлиги, тиббий ёрдамнинг сифати пастлиги.

Ушбу соҳадаги прокурорнинг яна бир самарали ваколати маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича иш қўзғатишдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси таҳлилига кўра 2018 йилда прокурорлар томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш ҳолатлари бўйича 2 546 нафар шахслар жавобгарликка тортилган бўлса, 2021 йилда эса ушбу кўрсаткич 2 938 нафарни ташкил қилган. Яъни мазкур кўрсаткичнинг ўсиш динамикаси (16 фоиз) қайд этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, прокурор соғлиқни сақлаш соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокуратура назоратининг профилактик йўналишини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, фуқароларнинг имтиёзли тоифасини дори билан таъминлашни молиялаштиришда нотўғри режалаштириш фуқаролар ҳуқуқларининг оммавий бузилишига олиб келиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, самарали прокуратура назорати, прокурор томонидан қонунларнинг бузилишини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш ва олдини олиш чораларини кўриш фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга имкон беради.

Прокурор, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш пайтида фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади.

Ҳар йили прокурорлар соғлиқни сақлаш соҳасида 200 дан ортиқ ноқонуний қонун ҳужжатларини аниқлайдилар.

Кўриб чиқиладиган давр мобайнида прокурорлар томонидан протест келтириш каби жавоб чорасини қўллашнинг миқдорий кўрсаткичининг пасайиш динамикаси қайд этилган.

Ушбу соҳада прокурорлар томонидан норозилик билдириладиган ҳуқуқий ҳужжатлар сонининг камайиши, хусусан, прокуратура томонидан ўтган даврда амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги ва илгари аниқланган кўплаб қонунбузарликларни бартараф этиш билан боғлиқ.

Кўпинча, давлат органларининг ваколатидан ташқари, беморларнинг ҳуқуқларининг бузилишига, фуқароларнинг дори воситалари билан таъминлаш, тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини амалга оширишда қўшимча тўсиқлар яратишга ёрдам берадиган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади.

Бундай шароитда прокурорлар протест келтириш ваколатидан оқилона фойдаланадилар.

Кўплаб қонуности ҳужжатларидаги мавжуд тартиб-таомилларнинг турли хилда эканлиги, улар ўртасида коллизияларни юзага келтиради. Хусусан, ушбу ички нормативлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 265-II-сонли “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни ва 19.08.1999 йилдаги 813-I-сонли “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” қонунларининг қоидаларини бузиб кўрсатади, бу эса соғлиқни сақлашни таъминлаш масалаларини ноаниқ талқин қилишга имкон беради.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга таъсир қилувчи муҳим профилактика чора бу мансабдор шахсни ноқонуний ҳаракатлардан тийилишга ундайдиган прокуратура жавобининг профилактик ҳаракатларига ишора қилувчи огоҳлантиришни эълон қилишдир.

Прокуратура органи ходимлари огоҳлантиришни эълон қилишда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 42-моддасига асосан прокурор фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан кўриб чиқиляётган соҳада прокурор назорати ва

текширувлари натижасида 2018 йилда 1181 огоҳлантириш эълон қилинган бўлса, 2021 йилда эса бу кўрсаткич – 834 тани ташкил қилган.

Шу билан бирга, прокурорлар томонидан олиб бориладиган назорат ва текширувлар натижасида аниқланган соғлиқни сақлашни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари бўйича огоҳлантиришлар кўп ҳолларда берилади.

А.Кривоносوف фикрига кўра қонунбузилиш ҳолатлари бўйича огоҳлантириш амалиёти самарасиз эканлиги айтиб ўтилган. Бунинг сабабини эса бу чоранинг профилактик мақсадига эришилмагани ва қиймати ниҳоятда паст эканлиги билан баҳолайди³².

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назоратнинг миқдорий кўрсаткичларининг ошиши, хусусан, яқинда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга, тизимни шакллантиришга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши тиббий ёрдамнинг мавжудлигини ва унинг самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-5590-сон Фармони соғлиқни сақлашни модернизация қилиш бўйича дастурларни қабул қилиш зарурлигини таъминлади.³³

Ушбу фармон **2019 — 2025** йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди³⁴.

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, Саломатлик-2020 ва Барқарор тараққиёт

³² Кривоносوف А.Н. Прокурор как участник производства по делам об административных правонарушениях // Административ. и муницип. право. 2009. № 1. С. 79 – 81.

³³ <https://lex.uz/docs/3323258>

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон [Фармонига](#) 1-ИЛОВА

мақсадлари — 2030 минтақавий сиёсати доирасида аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда катта муваффақиятларга эришган илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашувларни ўз ичига олган.

2.2. Соғлиқни сақлаш соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конституция ва қонунларнинг бир хилда ва тўлиқ амалга оширилишини назорат қилиш прокуратура органларининг бош ва асосий вазифасидир. Ушбу норма Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида мустаҳкамлаб қўйилган. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг қай даражада муваффақиятли амалга оширилиши бу назорат фаолиятининг марказда ва жойларда қай даражада ташкил қилинганлигига боғлиқдир.

Қонунлар ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат, унинг таркибидаги Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими, Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, уларнинг вилоят ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги таркибий тармоқлари ва жойлардаги прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокуратуранинг ҳайъат қарорлари ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг **“Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомни**

тасдиқлаш ҳақида”ги 25.05.2021 йилдаги 229-сонли Буйруғи, **“Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида**”ги 24.11.2017 йилдаги 166-сонли буйруғи асосан **“Ижтимоий қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси”** Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал ривожлантиришга доир вазифалар ижроси устидан назорат ўрнатиш, оналар ва болалар ўлими ҳолатларининг сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан зарур чоратадбирларни амалга ошириш, фармацевтика тармоғини ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада оширишга доир қонунчилик ижросини таъминлаш чораларини кўриш қонунчилигига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органи ҳисобланади.

Юқорида номи келтирилган Низомга асосан, Ижтимоий қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг қуйи бўғинлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Ўзбекистон ногиронлик жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти, “Дори-дармон” АК, «O‘zmedimpeks» ДУК, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, соҳага оид бошқа корхона муассаса ва ташкилотлар қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда қонунлар ижроси устидан назорат соҳа-минтақа принципи асосида ташкил қилинади. Бу дегани Республика Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар бир

вақтнинг ўзида бўйсунувчи прокурорларнинг қонунлар ижроси бўйича назорат фаолияти устидан ташкилий-методик раҳбарликни бажарадилар ва ўзларининг ваколатларидаги объектларда назоратни амалга оширадилар.³⁵

Шу мақсадда, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишга ваколатли бўлган юқоридаги бошқармалар ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга оширадилар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни ташкил этади ва амалга оширади.

Қонунлар ижроси устидан назоратнинг ҳаракатчан ва таъсирчанлиги маълум даражада марказ ва жойларда бу иш тўғри режалаштирилиб йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Қонунлар ижроси устидан назорат доираси нақадар кенг қамровли эканлигини инобатга олган ҳолда, прокурорлар текшириш ўтказиш учун ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик аҳволи носоғлом бўлган корхоналарни танлашлари керак.³⁶

Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича прокурор ваколатлари давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш каби прокурор олдида турган вазифаларни қонунда белгиланган тартибда ҳал қилиш шакллари ва воситаларини аниқлаб беради. Улар ёрдамида қонун бузилишлари аниқланади ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилади, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаб ва шароитларини фош қилиш, уларни бартараф этиш амалга

³⁵ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. – Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2009. – Б. 155.

³⁶ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 140.

оширилади ҳамда қонун бузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши таъминланади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини самарали ташкил этишда текширишларни амалга оширишда прокурор томонидан қўлланиладиган тактика ва методлар катта аҳамият касб этади.

Амалиётдан маълумки, айнан методика ва тактика, қонунийлик ҳолатига ва прокурор назорати амалиётига таъсир кўрсатадиган субъектив ва объектив омиллардан келиб чиқиб, фуқароларнинг қонун билан тартибга солинадиган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларнинг фактик ҳолатига прокурорларнинг таъсир кўрсата олиш имкониятларини кенгайтиради.

Юридик адабиётларда прокурор назоратининг усул ва тактикаси тушунчасини тушунтиришга катта эътибор қаратилган. Хусусан, профессор Б.Х. Пўлатов айтганидек, ҳамма прокуратура органлари бир хил мақсад ва вазифаларни бажарадилар. Бунда назоратни амалга ошириш тартиби, тактикаси ва усули ҳам бир хилдир.³⁷

Рус ҳуқуқшуноси В.З. Гушиннинг фикрига кўра, прокурор назоратининг методикаси прокурорнинг нима қилишини кўрсатиб берса, тактикаси эса уни қандай қилиш кераклигини кўрсатади.³⁸

Фикримизча, “методика” тўғрисида юридик адабиётда анча яхшироқ таъриф В.В.Клочков томонидан берилган. Унинг қикрига кўра, “прокурор назоратининг методикаси – прокуратурада ишни ташкил қилиш ва бошқариш, прокуратура амалиёти ва қонунийлик ҳолатини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ишлаб чиқиладиган прокуратура тўғрисидаги алоҳида илм соҳаси демакдир”.³⁹

³⁷ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 38.

³⁸ Гуцин В.З. Прокурорский надзор за соблюдением конституционного права граждан на объединение. М.: 1998. – С. 109-110.

³⁹ Клочков В.В. Методика как раздел науки. Вопросы теории законности и прокурорского надзора. М.: 1994. – С. 37.

Илмий соҳада прокурор назоратига уни амалга оширишинг умумий ва махсус методикалари қўлланилади. Умумий методика асосий принциплар ва хусусиятларнинг ташувчиси бўлиб, тармоқ методика билан чамбарчас боғлиқдир.

Прокуратуранинг назорат фаолиятида тармоқ методикани ишлаб чиқишнинг муҳимлигини профессор Б.В. Коробейников асослаб берган.

Назорат текширувлари тактикаси – прокурор томонидан аниқ бир вазиятдан келиб чиқиб текширувдан кўзланган мақсадга эришиш учун (қонун бузилишларини тўлиқ аниқлаш, бунга йўл берган ҳолатлар ва содир этган шахсларни фош этиш) амалга ошириладиган оқилона усуллар жамланмаси сифатида тушунсак тўғри бўлади. Ушбу тактика прокурор томонидан, шунингдек мутахассис томонидан ўтказиладиган турли тадбирларининг турлича кетма-кетлигида намоён бўлиши мумкин.⁴⁰

Соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижро қилиниши устидан назоратни самарали амалга ошириш учун прокурорлар ушбу соҳадаги қонунийлик ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари керак.

Ўз мақсадига кўра, ахборот-таҳлилий ишлар прокуратура тизимининг ташкилий бирлигини ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқасини таъминловчи омиллардан биридир. Бу иш бутун тизимни қамраб олиши, бир хил қоидаларга бўйсунishi, бир хил талабларга жавоб бериши керак.⁴¹

Прокурор назорати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиб турганидек, айнан ахборот таъминотининг етарли бўлмаслиги ва сифатсиз таҳлилий фаолият кўпгина прокурорларнинг назорат фаолиятининг самарадорлиги кам бўлишининг асосий сабаби бўлмоқда.⁴²

⁴⁰ Коробейников Б.В. Методика, тактика и организация общего надзор. Соц. Законность. 1986. № 1. – С. 46-48.

⁴¹ Организация работы городской (районной) прокуратуры. Методическое пособие, под общ. ред. С.И. Герасимова. М.: 2001. – С. 131.

⁴² Викторов И.С. Организация работы по надзору за исполнением законов и законностью правовых актов, соблюдения прав и свобод человека и гражданина. В кн. «Организация работы городской и районной прокуратуры». М.: 2001. – С. 131.

Барча юқорида айтилганлар соғлиқни сақлаш муносабатлари соҳасидаги ахборот-таҳлилий ишларга ҳам тааллуқлидир.

Қонунчилик ижроси устидан назорат текширувини ўтказишдан аввал прокурорлар соғлиқни сақлаш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги қуйидаги ахборот манбаларини кўриб чиқишлари ва таҳлил қилишлари керак бўлади:

оммавий ахборот воситаларининг хабарларини; фуқароларнинг прокуратура органларига келиб тушган мурожаат ва шикоятларини, соғлиқни сақлаш соҳасида ваколатли ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи органлар, ташкилотлар ва идоралар томонидан соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижро қилинмаётганлиги тўғрисидаги хабарлари;

давлат статистика органларининг тиббий ёрдам ва унинг сифат даражаси ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

давлат статистика органларининг ҳудудларда амалга оширилаётган тиббий хизматларнинг сифат миқдори ва тиббиёт жиҳозларининг вилоят ва туманлар бўйича тақсимоли тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар. Хусусан, тез шошилиш тиббиёти ёрдам, фармацевтика соҳаси, тиббий буюмлар ва жиҳозлар муомаласини тартибга солиш ишларининг қай даражада олиб борилаётганлиги.

Назорат текширувини амалга оширишдан аввал яна қуйидагиларни амалга ошириш керак бўлади:

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларини ўрганиш;

Содир этилган қонунбузилишларига аниқлик киритадиган асосий саволлар рўйхатини тузиш.

Соғлиқни сақлаш қонунчилиги муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан бирга,

шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг **“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими тўғрисида”**ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 30.10.2017 даги 152-сонли буйруғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлигини билишимиз мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, назорат тадбирларининг қанчалик самарали бўлиши прокурорлар томонидан уларга қонун билан берилган ваколатлардан қанчалик асосли, тезкор ва тўлиқ фойдалана олишларига боғлиқ.⁴³

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати бўйича прокурорнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг **“Прокуратура тўғрисида”**ги Қонунининг 22-моддасида келтирилган бўлиб, ушбу ваколатларни такомилга етган дейишимиз мумкин.

Ушбу ваколатларни амалга ошириш учун прокурор назорат амалга оширилаётган орган ҳудудига хизмат гувоҳномасини тақдим қилган ҳолда тўсқинликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Прокурорга иш юзасидан керакли бўлган ҳужжатлар ёки бошқа маълумотлардан, уларнинг мазмунидан қатъий назар фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Шунингдек, прокурор қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат амалга оширилаётган давлат ташкилоти раҳбаридан керакли ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ҳужжатлар ташкилот томонидан чиқарилган норматив ҳужжат, текширув ҳужжатлари, турли хил кўринишдаги рухсатномалар ва лицензиялар,

⁴³ Основные критерии содержания, применения полномочий прокурора рассмотрены в следующих трудах: Викторов И.С. Полномочия прокурора по выявлению нарушений закона и применению правовых средств реагирования на выявленные правонарушения. Метод. Рекомендации. М.: 2004; Прокурорский надзор, под ред. Ю.Е. Винокурова. М.: 2007, –С.120-124; Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М.: 2006. – С. 194-199;

маълумотномалар ва ҳисоботлар, шунингдек бошқа ҳужжатлар ва материаллар бўлиши мумкин ва уларни талаб қилиб олишда прокурорларга ҳеч қандай чеклов қўйилиши мумкин эмас.

Прокурорлар ўзларига юклатилган вазифани амалга оширишларида мутахассис ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам муҳим рол ўйнайди. Мутахассислар прокурорларга текширувларнинг турли кўринишларининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишда ёрдам беришади ва маслаҳат беришда, текширувларда қатнашишда, махсус масалалар бўйича хулоса беришда, шунингдек, текширув натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқишда фойдаланишлари мумкин.⁴⁴

Ўзбекистон Республикаси “**Прокуратура тўғрисида**”ги Қонуннинг 21-моддасига асосан, “қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади”.

Тадқиқот иши давомида ўрганилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва амалга оширишнинг хусусиятларини умумий кўринишда тадқиқ этиш имконини беради.

Прокурорлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – қонунлар ижроси устидан назоратнинг характерли хусусиятлари шундаки, бу ишдаги муваффақият кўпроқ назоратни амалга ошираётган прокурорнинг шахсий ташаббуси билан ҳам белгиланади. У авваламбор қонун бузилишини аниқлаши, бу учун жавобгар шахсни ва ҳужжатни кейинги йўналишини белгилаши лозим, яъни жиноят иши ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиши ва ҳоказо.

⁴⁴ Винокуров А.Ю. Полномочия прокурора по надзору за исполнением законов. Законность. М.: 2006. № 4. – С. 10-13.

Текширув ўтказиш чоғида прокурор текширув ишини шундай ташкил қилиши керакки, қачонки унинг натижасида нафақат қонун бузилиши, балки, унга олиб келган сабабларни ҳам аниқлаш имкони бўлсин. Бу айниқса, хўжалик фаолияти соҳасида ўтказиладиган текширувларда муҳим, чунки бу соҳада режалаштириш, молиялаштириш, ишлаб чиқариш технологиялари, нархларни шакллантириш, стандартлаштириш ва бошқа шу каби махсус билимларни талаб этади. Одатда прокурорлар бундай билимга эга эмаслар ва шу сабабдан ҳам, қонунлар ижроси устидан назорат текширувини ўтказиш чоғида улар турли мутахассислар ёрдамидан фойдаланадилар⁴⁵.

Тадқиқотчи А.В.Шибина ўз тадқиқот ишида соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат текширувининг режасида қуйидагилар кўрсатилиши кераклигини айтади:

- текширув объектининг номи ва ҳуқуқий мақоми;
- ижроси текширилаётган қонун ва қонуности ҳужжатларининг рўйхати;
- аниқланиши керак бўлган асосий саволлар, талаб қилиб олинishi ёки жойида ўрганилиши керак бўлган ҳужжатлар;
- текширувни амалга оширувчи шахслар;
- тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш тартиби;
- текширув ўтказиш муддати ва унинг натижалари ҳақида маълумотнома тузиш.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, текширувнинг характеридан қатъий назар, барча ҳолатларда қуйидаги асосий маълумотлар аниқланиши лозим:

текширилаётган соғлиқни сақлаш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларга қонун билан юклатилган мажбуриятларининг бажарилиши;

соғлиқни сақлаш қонунчилиги муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилишининг хусусияти ва унинг тарқалиши;

⁴⁵ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 140.

қонунбузарларга нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқий таъсир чораларининг муқаррарлиги, уларнинг характери, тўлиқлиги, асослилиги ва қонунийлиги.

Ўзининг мазмунан йўналтирилганлигига кўра, соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижросини текшириш режаси қўйидаги асосий вазифаларни ҳал этилишига йўналтирилган бўлиши керак:

- текширув объектининг номи ва ҳуқуқий мақоми;
- ижроси текширилаётган қонун ва қонуности ҳужжатларининг рўйхати;
- аниқланиши керак бўлган асосий саволлар, талаб қилиб олинishi ёки жойида ўрганилиши керак бўлган ҳужжатлар;
- текширувни амалга оширувчи шахслар;
- тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш тартиби;
- текширув ўтказиш муддати ва унинг натижалари ҳақида маълумотнома тузиш.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, текширувнинг характеридан қатъий назар, барча ҳолатларда қўйидаги асосий маълумотлар аниқланиши лозим:

текширилаётган соҳасидаги ваколатли давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларга қонун билан юклатилган мажбуриятларининг бажарилиши;

соғлиқни сақлаш муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилишининг хусусияти ва унинг тарқалиши;

қонунбузарларга нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқий таъсир чораларининг муқаррарлиги, уларнинг характери, тўлиқлиги, асослилиги ва қонунийлиги.

Ўзининг мазмунан йўналтирилганлигига кўра, соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижросини текшириш режаси қўйидаги асосий вазифаларни ҳал этилишига йўналтирилган бўлиши керак:

- соғлиқни сақлаш соҳасидаги ёки прокурор назорати объектидаги қонунбузилиши тўғрисидаги фактик маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги;

- соғлиқни сақлаш қонунчилиги бўйича ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилишига сабабчи бўлган шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларининг тўлиқ ва ўз вақтида қўлланилиши;

- соғлиқни сақлаш қонунчилиги риоя қилинмаслиги натижасида фуқароларга етказилган зарарнинг ҳақиқатда қопланишининг таъминланганлиги;

- соғлиқни сақлаш қонунчилигининг бузилишига олиб келган сабаб ва шартлар, шунингдек ушбу соҳада назоратни амалга оширувчи давлат органлари томонидан қонунчилик бузилиши ҳолатлари аниқланмаслигининг асосий сабаблари тушунтирилиши.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати, энг аввало Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу соҳа қонунчилигини амалга оширилишининг қонунийлиги таъминланишига йўналтирилган бўлади. Бу органлар фаолиятининг қонунийлиги прокурор назоратининг предмети бўлиб, унинг таркибий қисмларидан бири соғлиқни сақлаш муносабатлари соҳасида ўз назорат функцияларини қонуний бажаришидир.

Таъкидлаш жоизки, статистик ва бошқа маълумотларнинг ўз вақтида тўпланиши ва таҳлили соғлиқни сақлаш соҳасида ваколатли бўлган давлат органлари, жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг қуйи тизилмалари томонидан қабул қилинаётган чораларнинг тўлиқлиги ва самарадорлигини холис баҳолашга ёрдам беради.

Бундай таҳлил, қоида тариқасида, тегишли тартибга солувчи органларнинг ҳисоботларини шакллантириш учун белгиланган муддатлар ўтганидан сўнг амалга оширилиши лозим. Нисбатан қонунийлик аҳволи яхши бўлмаган объектларни аниқлаш, шунингдек уларга берилган ваколатлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун назорат қилуви органлар фаолияти бўйича турли даврлардаги маълумотларни таққослаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг 07.12.2018 йилдаги ПФ-5590-сонли Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар мониторингини амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади.

Прокуратура органлари соғлиқни сақлаш қонунчилиги бўйича назорат текширувларини амалга ошириш чоғида қуйидаги йўналишларда қонунийлик аҳволини ўрганишлари керак бўлади:

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларидан ва бошқа ташкилотлардан аҳоли саломатлиги масалалари бўйича статистик, таҳлилий материалларни сўраш, талаб қилиб олиншини;

Соғлиқни сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал ривожлантириш;

Оналар ва болалар ўлими ҳолатларининг сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада оширишга оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижроси устидан назоратни амалга ошириш чоғида прокуратура органлари асосий эътиборни ушбу соҳада давлат назоратини амалга оширувчи органлар сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, "O'zmedimpeks" ДУК, "Дори-дармон" АК, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлимларининг фаолиятига қаратишлари керак.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни самаларали амалга ошириш учун прокуратура органлари ушбу органлар ва уларнинг ҳудудий бўлимлари фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари керак.

Биринчи навбатда, ушбу соҳадаги қонунийлик аҳволи тўғрисидаги маълумотларнинг манбаларини тўғри аниқлаштириб олиш керак.

Ушбу маълумотлар жумласига: *ариза ва шикоятларнинг ҳал этилиши бўйича аввал ўтказилган назорат текширув материаллари, ички идоравий текширув материаллари, фаолият натижаси тўғрисидаги статистик ҳисоботлар ва суд амалиёти.*

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштиришда муҳим камчиликлар сифатида қуйидаги омилларни кўрсатишимиз мумкин:

Биринчидан, фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларини поймол қилувчи қонунчиликнинг бузилиши тўғрисидаги статистик ва бошқа зарур маълумотларни ўз вақтида тўплаш, тезкор қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришнинг яхши ташкиллаштирилмаганлиги;

Иккинчидан, кўп ҳудудларда прокурорлар текширувларни мунтазам равишда амалга оширмайдилар, кўпинча назорат текширувлари юқори турувчи прокурорларнинг топшириғи асосида ўтказилади. Натижада ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида аниқланмайди ва бартараф қилинмайди, бузилган ҳуқуқлар эса тикланмайди, тикланган тақдирда ҳам катта кечикиш билан тикланади;

Учинчидан, соғлиқни сақлаш қонунчилиги бузилишига олиб келган сабаблар ва ҳолатлар ҳар доим таҳлил қилинмайди. Кўп ҳолатларда айбдор мансабдор шахслар аниқланмай қолади ва қонун билан белгиланган тартибда уларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинмайди.

Прокуратура органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўғинларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг йўқлиги кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган айрим назорат текширувлари бошқа назоратни амалга оширувчи органлар томонидан амалга оширилаётган текширувлар билан бир-бирини такрорламоқда.

III БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бўйича хориж тажрибаси

Ўрганилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси турли давлатларда турличадир. Бизга маълумки ушбу ҳуқуқий асос, албатта, давлатларнинг конституциялари ва у асосида қабул қилинган қонунларга қараб белгиланади.

Турли давлатларнинг конституцияларида соғлиқни сақлаш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш кафолатлари сиёсий тизимга, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига қараб амалга оширилади.

Хусусан, Болгария Республикаси Конституциясида **“тиббий суғурта ҳуқуқи”**, Албания, Андорра, Арманистон, Белгия, Греция, Италия, КХДР Конституцияларида **“соғлиқни муҳофаза қилиш ҳуқуқи”**, Туркияда эса **“ҳар кимга соғлом тан ва руҳ билан яшаш имконияти берилади”**⁴⁶.

Буюк Британия ва Германиянинг асосий қонунларида соғлиқни сақлаш ҳуқуқи тўғрисида тўғридан-тўғри сўз юритилмаган.

Францияда эса **“ҳар кимга соғлиқни муҳофаза қилиш, дам олиш, хордиқ чиқариш ҳуқуқи кафолатланади”**⁴⁷.

Япония Конституциясида барчанинг **“соғлом турмушнинг минимал даражасини сақлаб қолиш, соғлиқни сақлашни юксалтириш, янада ривожлантириш...”** ҳуқуқи мустаҳкамланган⁴⁸.

⁴⁶ Избранные конституции зарубежных стран: учеб. пособие для бакалавров / отв. ред. Б. А. Страшун; пер. И.А. Алебастрова [и др.]. М.: Юрайт, 2012. С. 190, 341; Конституционное право: университет. курс: учеб.: в 2 т. Т. 2. М.: Проспект, 2015.

⁴⁷ Конституции зарубежных государств: учеб. пособие / сост. В.В. Маклаков. М., 2012. С. 78, 239, 429 – 438; Основной закон Федеративной Республики Германии от 23.05.1949. URL: <https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/004/082/index.htm> (дата обращения: 18.12.2017); Конституционные акты Великобритании URL: https://legalns.com/download/books/cons/united_kingdom.pdf (дата обращения: 20.05.2022.).

⁴⁸ Конституция Японии от 03.05.1947. Доступ из справ.-правовой системы «КонсультантПлюс».

Португалияда соғлиқни сақлаш ҳуқуқини конституциявий тартибга солишни таъкидлаш керак. Ушбу мамлакат Конституциясининг 64-моддасида соғлиқни сақлаш ҳуқуқини эълон қилиш билан бир қаторда, уни амалга оширишнинг самарали механизмини ҳам ўз ичига олган. Унда асосан бепул тиббий хизмат, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзи ва соғлом турмуш тарзини ривожлантириш, профилактик кўриклар, даволаш ва соғлиқни реабилитация қилиш; соғлиқни сақлаш ва фармацевтика харажатларини ижтимоийлаштириш самарадорлиги ва сифатининг тегишли стандартлари аниқ ифода этилган⁴⁹.

Испанияда ҳам соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини конституциявий тартибга солиш амалга оширилиши белгиланган.

Хусусан, ушбу конституциянинг 43-моддасида соғлиқни муҳофаза қилиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилиниши, давлат органлари профилактика тадбирларини ўтказиш, зарур ёрдам ва хизматлар кўрсатиш орқали амалга ошириладиган соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш учун жавобгардир эканлиги белгиланган. Бундан ташқари, 49-моддасида давлат органлари жисмоний ёки рухий жиҳатдан заифлашган шахсларга ёрдам кўрсатиш, даволаш ва соғломлаштириш чораларини кўради, уларга алоҳида ёрдам, зарур бўлган махсус ҳимоя ва улардан баҳраманд бўлиш учун зарур ёрдам кўрсатиши ҳам қайд этилган⁵⁰.

Латвия ва Молдова конституцияларида соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини белгилаш ўрнига, давлатнинг кафолатланган минимал тиббий ёрдам бўйича тегишли мажбуриятлари белгиланган.

Тадқиқот давомида Молдова Республикаси Конституциясида Фуқароларнинг соғлиғини ҳимоя қилишнинг такомиллашган механизмига гувоҳ бўлдик.

⁴⁹ Конституция Португальской Республики от 02.04.1976. URL: <http://pandia.ru/text/77/301/93234.php> (дата обращения: 03.03.2022).

⁵⁰ <https://legalns.com/download/books/cons/spain.pdf> (26.05.2022 ҳолатига кўра)

Хусусан, ушбу давлат конституциясининг 36-моддасида соғлиқни муҳофаза қилиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланиши, давлат фуқаролар учун тиббий ёрдамнинг минимал даражасини бепул амалга ошириши, миллий соғлиқни сақлаш тизими ва уни амалга ошириш халқаро ҳуқуқда белгилаб қўйилган инсоннинг табиий ҳуқуқлари меёридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши қайд этилган. Бундан ташқари, ушбу конституцияда она ва бола ҳамда ёшларни соғлиғини ҳимоя қилишнинг алоҳида механизми яратилган.

Лекин, юқоридаги икки давлатда ҳам тиббий хизматнинг минимал миқдори аниқ белгилаб қўйилганлиги фуқароларнинг соғлиғини сақлашга бўлган ҳуқуқларини биров чеклашга олиб келиши мумкин.

Конституциявий ҳуқуқ олимлари А.И.Казанник ва А.Н.Костюков тиббий хизматнинг минимал миқдори аниқ белгилаб қўйилишига алоҳида тўхталиб, ушбу нормалар фуқароларнинг ҳимоя қилиш ҳуқуқининг амалда йўқлигини англатишини, чунки беморни даволашда тиббий ёрдамнинг минимал миқдор кўрсаткичи бўлиши мумкин эмаслигини, фақат унинг тўлиқ даволаниши, соғлиғини тиклаш учун зарур бўлган миқдорда бўлишини ўз назарияларида айтиб ўтишган.⁵¹

Халқаро талабларга риоя қилган ҳолда, Молдовада **Тиббиёт ходими ва фармацевтнинг этика кодекси** қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат пресс-релизлар, репортажлар ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-саҳифасида эълон қилиниб, унга нисбатан аҳоли, мутасадди ташкилотлар ва соҳага оид ассоциацияларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинади.⁵²

МДХга аъзо баъзи мамлакатларнинг асосий қонун ҳужжатларида ушбу соҳадаги давлат кафолатлари тасдиқланмаган бўлса ҳам, лекин барча конституцияларида соғлиқни сақлаш ҳуқуқини тартибга солиш тўғрисидаги норма ўз ифодасини топган⁵³.

⁵¹ Конституционное право: университет. курс: учеб.: в 2 т. / под ред. А.И. Казанника, А.Н. Костюкова. М.: Проспект, 2015. Т. 2. Гл. 6. § 3.

⁵² Коррупцию можно победить усилиями всего общества Интервью с замминистра здравоохранения М. Буга // URL: <http://www.nm.md/daily/article/2008/01/15/0303.html>[по состоянию на 20.08.2012 г.].

⁵³ Новые Конституции стран СНГ и Балтии: сб. док. Вып. 2 / отв. ред. Н.А. Михалева. М.: Манускрипт, 2014. С. 32, 99, 410, 486, 342, 438, 458; Отставнова Е.А. Конституционные основы защиты права человека и гражданина

Хусусан, Россия Федерациясининг ушбу соҳадаги давлат сиёсатини янада ривожлантириш кўплаб қонунларда белгиланган бўлиб, улар орасида Россия Федерацияси Президентининг **"Соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармони⁵⁴ ва Россия Федерацияси Ҳукуматининг **"Соғлиқни сақлаш ривожлантириш тўғрисида"**ги Қарори⁵⁵ давлат томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш қай даражада муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

"Россия Федерацияси прокуратураси тўғрисида"ги Federal қонунга кўра, прокуратура инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари ва еркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида асосий ва енг муҳими 2011 йил 21 ноябрдаги **"Россия Федерациясида фуқароларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш асослари тўғрисида"**ги Россия Федерациясининг ФЗ-323-сонли Federal Қонуни ҳисобланади.

Ушбу federal қонун соғлиқни сақлаш соҳасидаги жамоатчилик билан муносабатларни тартибга солади ва унинг асосий мақсади ушбу қонунда соғлиқни сақлаш соҳасида берилган ваколатларни аниқ ва ҳар томонлама амалга ошириш механизмининг ишлашини таъминлайди.

Қозоғистон давлати мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, ушбу давлат конституциясининг 29-моддасида республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда қонунда белгиланган кафолатланган миқдордаги тиббий ёрдамни бепул олиш ҳуқуқига ега экандиги қайд этилган.

Давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида, шунингдек хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланувчи шахслардан пуллик тиббий ёрдам олишнинг асослар ва тартиби ҳам белгилаб қўйилган.

на охрану здоровья и медицинскую помощь в современной России: дис..канд.юрид. наук. Саратов, 2010. С. 44 – 45.

⁵⁴ Ukaz Prezidenta RF ot 07.05.2012 g. № 598 «O sovershenstvovanii gosudarstvennoj politiki v sfere zdravooxraneniya» // Rossijskaya gazeta. 2012. № 102.

⁵⁵ Postanovlenie Pravitel'stva RF ot 26.12.2017 g. № 1640 «Ob utverzhdenii gosudarstvennoj programmy Rossijskoj Federacii "Razvitie zdravooxraneniya"» // Sobranie zakonodatel'stva RF. 01.01.2018. № 1 (Chast' II). St. 373.

Ҳозирда Собиқ Иттиқоқ давлатлари орасида нисбатан етакчи давлат ҳисобланган Грузия конституциясида ҳам соғлиқни сақлаш ҳуқуқининг кафолатлари белгиланган.

Хусусан, ушбу давлат конституциясининг 37-моддасида ҳар бир инсон тиббий суғуртадан фойдаланиш ва тиббий ёрдам воситаси сифатида фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат барча соғлиқни сақлаш ташкилотларини, дори-дармон ишлаб чиқаришни ва уларнинг савдосини назорат қилиши қайд этилган.

Шундай қилиб, қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, баъзи фарқларга карамай, Европа ҳамда МДХ мамлакатлари ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасидаги муносабатларни конституциявий тартибга солиш жуда кўп умумий хусусиятларга эга экан.

Соғлиқни сақлаш тизимининг мукамал муқобили Исроил давлатида десак муболаға бўлмайди. Хусусан, қуйидаги асослар яна ҳам фикримизни мустаҳкамлайди:

- тиббиёт тизими ходимлари учун халоллик тўғрисида қонунни қабул қилинган;

- сотувдаги дориларнинг ишончили ёки ишончсизлиги, беморни алданиб қолмаслигини олдини олиш мақсадида экспертизадан яхши хулоса берилмаган дори-дармон воситалари ҳақида маълумотларни сайтга жойлаш орқали огоҳлантириш механизми юритилади;

- соҳадаги коррупццион ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш механизми жорий этилган бўлиб, бу жараён «сирли мижоз» тадбирлари, беморлардан аноним сўровномалар олиш йўли билан, фуқароларнинг мурожаатлари ва ишонч телефонларига келиб тушган шикоятлар орқали;

- бюдеж очиклиги. Расмий веб-сайтда соҳага ажратилаётган жами маблағлар, унинг бўғинлар бўйича тақсимооти, ҳар бир бўғин ичида унинг сарфланиши тартиби тўлиқ ёритилган. Айнан соғлиқни сақлаш тизимининг шаффофлиги ва ҳисобдорлиги хорижий амалиётда фойдаланилган чора-тадбирлар сифатида тақлиф қилинди.

Бунда шаффофлик деганда, манфаатдор томонларнинг кенг доираси, шу жумладан фуқаролар, кенгашлар, инвесторлар, раҳбарлар ва кенг жамоатчилик учун барча муҳим тадбирлар тўғрисида маълумот бериб бориш тушунилади;

- сайтда вазирлик тизимида кўрсатиладиган хизматлар турлари, тўловлар миқдори ва бошқа маълумотлар тўлиқ ёритилган.

Яна бир ижобий амалиёт сифатида, Исроилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги веб-сайтиларида ҳамда ҳар бир тиббиёт муассасасининг қабул бўлими кириш қисмида бепул хизматлар ва дори воситалари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган. Бу эса фуқароларнинг соҳадаги ўз ҳуқуқлари ва имкониятларини англаб етишга ҳамда талаб қилишга имкон беради.

Тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ўзида қамраб олувчи соғлиқни сақлашнинг ахборот тизими ягона платформасини жорий этиш тартиби белгиланди. Бу бўйича Исроил, Қозоғистон, АҚШ сингари давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда, замонавий инфор­мацион технологияларни жорий этиш бўйича бошланган ишларни тўлиқ қайта инвентаризациядан ўтказиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги барча муассасалар фаолиятни ўзига қамраб олувчи, соҳа ходимлари ва фуқаролар учун қулай бўлган, илғор ҳорижий тажрибаларни ўзида акс эттирган ягона электрон платформа (база) стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш муддатларини аниқ белгилаш. Соҳада замонавий инфор­мацион технологияларни жорий этишни бирламчи вазифа деб белгилаш. Бунинг натижасида тизимда юзага келаётган кўплаб коррупцион омилларнинг бартараф этилишига эришилади.

Испания, Швеция, Дания сингари давлатларда бўлгани каби «**электрон рецепт**» жорий этиш шифокор ва фармацевтик фирма ўртасидаги коррупцион ҳолатларини олди олинади. Бунинг учун аввало барча шифохоналар ва поликлиникалар ҳамда давлат ва хусусий дорихоналар ягона интеграционлашган тизим яратилиш ва тўлиқ ахборот технологиялари билан

таъминланиши лозим. Шифокор рецепт ёзишдан олдин фуқарони лабораторияга жўнатиши ва олинган анализ натижаси асосида белгиланган ягона платформага тавсия этиладиган дорилар берилади. Ундаги дориларнинг муқобил нархлари ва ундаги дорилар рўйхати қатъий бўлмасдан уларга эквивалент бўладиган бир ҳил таркибли дорилар ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин бўлади.

Соғлиқни сақлаш тизими доирасида ўтказилган ўрганишлар давомида даволаш профилактика муассасаларида ажратилган штат бўйича мутахассислар билан таъминланиш ҳолати, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, моддий-техника базаси, беморларга яратилган шароитлар, бепул хизматдан фойдаланиш даражаси, дори-дармонлар билан таъминланганлиги, тиббиёт ходимлари томонидан тамагирликка йўл қўйилиш ҳолатлари, ягона тез тиббий ёрдам, фармацевтика маҳсулотлари ҳисоби ва назорати, электрон рецепт, ишга қабул қилиш тартиби каби масалаларда бир қатор тизимли муаммолар аниқланди.

Бунга қарши қуйидаги таклиқлар илгари сурилади:

- Тиббиёт кадрларини хорижий аккредитациядан ўтган етук тиббиёт ташкилотларида ўқишни кенг жорий этиш.
- Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ кодексидага Европа Кенгашининг «Давлат хизматчиларининг намунавий ахлоқ кодекси»га мувофиқ бир қатор ўзгартиришлар киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Хусусан: дискрецион нормаларга дуч келинганда адолат ва қонунийликка амал қилган ҳолда ҳал этиш, ёки ўзидан юқори турувчи мансабдор билан маслаҳатлашиб олиш мажбуриятининг юклаш;
- Давлат тиббий суғуртаси тизимини барча вилоятларда босқичма-босқич жорий этиш.
- Шифокорларнинг узлуксиз малакасини ошириш босқичида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш - барча тиббиёт ходимларининг

узлуксиз малака ошириш (continuing medical education - CME) жараёнини таъминлаш;

- Тиббий олий таълим муассасаларига бакалавриатура бўйича қабул параметрларини камида 10 000 тадан ошириш, тор мутахассисликларни камида 5000 тадан, жумладан магистратура бўйича камида 1000 тадан ва клиник ординатура бўйича камида 4000 тадан ошириш.
- Тор соҳа кадрларига бўлган дефицит 20 мингтагача, умумий ходимлар (жисмоний шахс) етишмовчилиги 39 000 тагача камаяди.
- Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини халқаро экспертлар ва ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқиш.

3.2. Соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг истиқболлари

Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг самарадорлиги бевосита назорат фаолиятини тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлиб, уларга қўйиладиган умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ташкилий-маъмурий ҳужжатлари билан белгиланади.

Фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича прокурор ишини ташкил этиш мақсад ва вазифаларга эришиш учун прокуратура органлари фаолиятида мувофиқлаштирилган тартибни таъминлашга қаратилган кўп қиррали тизимдир.

Прокуратура органларининг самарали назорат фаолияти учун ишни тўғри ташкил этиш, зарур ташкилий-маъмурий ҳужжатларнинг мавжудлиги, назорат остидаги ҳудудда қонунчиликнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш, прогнозлаш ва режалаштиришни таъминлаш,

ходимларни жойлаштириш ва ходимларнинг лавозим вазифаларини тақсимлаш, услубий ва моддий жиҳатдан тартибга солиш имконини берадиган қонунларни бузиш тўғрисидаги ахборотни олиш, қайта ишлаш ва сифатли таҳлил қилиш тизими, уларнинг фаолиятини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, идоралараро ҳамкорлик масалалари хал қилувчи аҳамиятга эга.

С.И.Герасимов таъкидлаганидек, "Прокурорларнинг нотўғри ҳисоб-китоблари ва хатоларининг аксарияти назоратни ташкил этишнинг замонавий усулларида фойдаланиш муҳимлигини этарлича баҳоламасликлари натижасида содир бўлади. Ташкилий ёрдамга эътибор бермаслик прокуратуранинг инсон ҳуқуқлари салоҳиятининг заифлашишига олиб келади ва қонунчилик ҳолатига салбий таъсир қилади"⁵⁶.

Прокуратура органларида ишни ташкил этиш деганда прокуратура органларининг мақсад ва вазифаларига эришиш учун прокуратура тизими фаолиятини оптималлаштиришга қаратилган ўзаро боғлиқ ҳаракатлар мажмуи тушунилади .

Ушбу таърифни асос қилиб олган ҳолда, прокурор назоратини ташкил этиш қонун устуворлигига эришиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, қонун билан ҳимояланган жамият ва давлатнинг манфаатларига эришиш учун прокуратура органларининг фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган бир-бирига боғлиқ бўлган чора-тадбирлар тўплами назоратини ташкил этиш тушунишиз керак.

Юқорида қайд этилган фикрларларимизга таянган ҳолда фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш фуқароларнинг кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни оптималлаштиришга қаратилган ўзаро боғлиқ ташкилий ҳаракатлар яъни, соғлиқни сақлаш ва

⁵⁶ Организация работы городской (районной) прокуратуры: метод. пособие / под общ. ред. С.И. Герасимова. М., 2001. С. 3 – 4.

мустаҳкамлаш, уларнинг самарадорлигини ошириш, бузилган ҳуқуқларни амалда тиклаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг юқори суръатларига эришиш мақсадида прокурор назорати ва назорат актларининг сифатини ошириш деган хулосага келишимиз мумкин.

Фуқароларнинг соғлиқни сақлашга оид ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг асосий ташкилий-маъмурий ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 229-сон буйруғи ҳисобланади.

Мазкур буйруқда прокуратура асосий эътиборни фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва тиббий ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратиш, прокурор назоратининг устувор йўналишларини аниқ ва тизимли ҳаракатлар билан амалга ошириш мажбурияти белгиланган.

Юқорида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ушбу соҳада прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи махсус ташкилий маъмурий ҳужжати йўқлигини таъкидладик. Ушбу омил эса фуқароларнинг соғлиғини сақлашга оид қонунчилик устидан прокурор назоратини батафсил тартибга солишни талаб қилади.

Бизнинг фикримизча, фуқароларнинг соғлиғини сақлашга оид ишларни ташкил этиш ва унинг самарали механизмини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан **"Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокуратура назоратини ташкил этиш тўғрисида"**ги буйруғини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу буйруқ орқали **"Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокуратура назоратини ташкил этиш тўғрисида"**ги Низомини тасдиқлаш ушбу соҳадаги прокурор назоратини самарали ишлашига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура назоратининг кўриб чиқиладиган тармоғини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши унинг самарадорлигини ошириш, назорат жараёнининг барча босқичларида прокурорлар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишдан иборат.

Биз ўтказган аноним сўровномани инобатга олган ҳолда ўрганилаётган фаолият соҳаси бўйича прокурор назорати амалиётида юзага келадиган муаммоли жиҳатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, текширувларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар қуйидагилардир:

- иш ҳажми ва вақт етишмаслиги иштирок этувчиларнинг 98 фоизи томонидан тасдиқланган;
- соғлиқни сақлаш қонунчилигини етарли даражада билмаслиги 15%;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликнинг номукамаллиги 62%;
- услубий таъминот ёмонлиги 73%;
- прокуратура текширувларини тезкор қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги 23%;

Прокурорлар томонидан кўриб чиқилаётган назорат йўналишини амалга ошириш самарадорлиги, ходимларнинг назарий тайёргарлиги ва малакаси, тўғри услубий таъминланганлиги, прокуратура текширувларининг сифатли тезкор таъминланишига боғлиқлиги юқоридаги таҳлилларимиз орқали намоён бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, прокуратура органларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашиш, фармацевтика ва тиббиёт фаолиятини лицензиялашнинг алоҳида масалалари бўйича “субъект мутахассислари”нинг малакасини оширишни тизимли асосда ташкил этиш зарур.

Прокуратура ходимлари юқори турувчи органларда фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи мутахассислари назорати остида амалиёт ўташи уларни келажакдаги фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Прокурорлик текширувлари фаолиятини тезкор таъминлаш сифатини ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар йиғилишларида тезкор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва уларнинг раҳбарларини тинглаш,

биргаликдаги ишлар бўйича тасдиқланган режаларнинг қатъий бажарилишини талаб қилиш, мақсадли тадбирларни амалга ошириш самарали йўл ҳисобланади.

Фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масаласи Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудида прокуратура органлари фаолиятида аниқланган камчиликлар таҳлили орқали кўриб чиқилиши керак.

Бизнинг фикримизча, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик устидан прокурор назоратининг субъекти ва объектларини белгилашга доир юқоридаги ҳулосаларни инобатга олган ҳолда, назоратни ташкил этиш ва текширишларни ўтказишда қуйидаги элементлар зарур ҳисобланади:

- давлат ҳокимияти органлари ва таъсис субъектлари томонидан қонун билан уларга соғлиқни сақлаш соҳасида берилган ваколатларни амалга ошириш масалаларига эътиборни кучайтириш;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунийлик ҳолатини тизимли равишда таҳлил қилиш;
- саломатликни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш.

Ушбу назорат қонунийлик ҳолати тўғрисидаги маълумотларга ҳолисона эга бўлиш оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш, жинойт ва фуқаролик ишларини таҳлил қилиш, тиббиёт муассасаларида жамоатчилик билан учрашиш, тиббиёт муассасалари фаолиятини текширишда беморлар билан бевосита суҳбатлашиш орқали амалга оширилиши лозим.

• соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ҳудудларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келадиган муаммоли масалаларни умумлаштириш;

• Ўзбекистон Республикаси таъсис субъектларининг прокуратура органлари коллегияларининг соғлиқни сақлаш соҳасида, шунингдек ушбу

соҳанинг айрим йўналишларидаги назорат (дори-дармон таъминоти, тиббий ёрдамнинг сифати ва мавжудлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш қоидалари) мунтазам равишда ўтказилишини таъминлаш; перинатал марказлар, бошқа ижтимоий аҳамиятга эга соғлиқни сақлаш объектлари ва муассасаларини қуриш ва фойдаланишга топшириш давридаги қонун ҳужжатлари шулар жимласидандир;

Прокуратура органларининг ишини режалаштиришни ташкил этишда режаларга, қонунийлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги текширишларни киритиш зарурлигини ҳисобга олиш лозим :

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига давлат ва шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқлиги;

2) соғлиқни сақлашга ажратилган бюджет маблағларини сарфлашда, соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат, ҳудудий, шаҳар дастурларини амалга оширишда дори воситалари билан таъминлаш, тиббий ёрдамнинг сифати ва улардан фойдаланиш имконияти соҳасидаги қонунларнинг бажарилишини таъминлаш;

3) соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат назорати назорат органлари томонидан қонунларнинг бажарилишини таъминлаш;

- назорат фаолиятида шаффофликни тўлиқ таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини, аҳолини фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқларининг бузилиши ва прокуратура томонидан аниқланган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш;
- текширишларни ўтказишда ҳар доим текширилаётган объектларнинг мансабдор шахслари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини, бунга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаб олиш, текшириш натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, қонунбузарликларни бартараф этиш ва уларнинг келажақда олдини олиш бўйича таклиф этилаётган механизм ва алгоритмни баҳолаш;

- жорий этилган прокурор чора-тадбирлари бўйича қонунбузарликларнинг самарадорлиги ва амалда бартараф этилиши юзасидан доимий равишда назорат текширувларини ўтказиш.

Бизга маълумки, прокурор назорати ички ва ташқи (идоралараро) ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади. Ички ҳамкорлик прокуратуранинг ташкилий фаолияти тизимида амалга оширилади. Ташқи идоралараро назорат эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатдир.

Бундай ўзаро таъсирнинг асосий белгиси вазифаларнинг умумийлиги ҳисобланади. Прокуратура органларининг ушбу турдаги ўзаро ҳамкорлиги назорат қилиш мақсадлари ва ваколатларига (назорат ваколатларини амалга оширишда амалга оширилади), ташкилий (прокурорнинг текширувига, мутахассиснинг маъмурий текширувига) ва мувофиқлаштиришга (жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини мувофиқлаштиришда амалга оширилади) қараб бўлинади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги прокуратуранинг идоралараро ҳамкорлиги шартли равишда бешта асосий йўналишга бўлиниши мумкин:

- вакиллик (Қонунчилик) ва давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари,
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- назорат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- суд органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик.

Прокуратура органларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги назорат органлари билан ташқи ҳамкорлигининг асосий шакллари қуйидагилардир:

- соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунлар бузилиши тўғрисида ўзаро маълумот алмашиш;

- қонунийлик ҳолатини биргаликда таҳлил қилиш;
- ўзаро ҳамкорлик иштирокчиларининг иш режаларини мувофиқлаштириш;
- текшириш ўтказиш, қўшма текширув ўтказиш учун жалб қилиш бўйича топшириқ;
- соғлиқни сақлаш масалалари бўйича қўшма йиғилишлар, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказиш;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида прокуратурага келиб тушган ахборот юзасидан хулосалар бериш;
- профилактика тадбирларини ўтказиш; қонунбузарликларнинг олдини олиш;
- прокуратура жавобини кўриб чиқишда иштирок этиш;
- қонун ижодкорлиги фаолиятида биргаликда иштирок этиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқий таълимини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишда ўзаро ҳамкорлик;
- фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда ўзаро ҳамкорлик.

Прокуратура ва назорат қилувчи органларнинг тўғри ташкил этилган ўзаро ҳамкорлиги прокурорларга ўз фаолиятини мақсадли ва самарали режалаштириш имконини беради, бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузганлик учун жазо муқаррарлигини таъминлайди.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлигини белгиловчи нормалар мавжуд. Прокуратура фаолиятининг бир тури сифатида нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик таъминланмаган, бундай ўзаро муносабатларнинг предмети, вазифаларини белгилаб берувчи аниқ қонун нормалари мавжуд эмас, бу эса қонунчиликдаги камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, прокуратуранинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг тегишли ҳуқуқий асосларини

шакллантириш учун ушбу қонунга ўзгартириш киритиш заруратини юзага келтиради. Хусусан, **"Прокуратура тўғрисида"**ги Қонунга **"давлат ва жамият институтлари билан ўзаро муносабатлар"** тушунчаси киритилиши, прокуратура ўртасидаги давлат-хусусий шериклик асосидаги ўзаро ҳамкорлик мавзусини очиб берадиган норма киритилиши ва ўзаро ҳамкорликнинг предмети, тамойиллари ва вазифаларини белгилаш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистон Республикасининг соғлиғини сақлаш тизимини янада такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли Фармони қабул қилинган. Мазкур фармон билан **"2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиғини сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси"** ва **"2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиғини сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чоралар дастури"** тасдиқланган.

Мазкур Чоралар дастурининг 7-бандида Ўзбекистон Республикасининг **"Соғлиқни сақлаш кодекси"**ни ишлаб чиқиш назарда тутилган. Мазкур қонун лойихаси 19.11.2020 дан 04.12.2020 гача қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилган ва **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама портали(Regulation.gov.uz)** муҳокамасига қўйилган. Ушбу кодекс лойихасида бир қанча камчиликларни кўриш мумкин. Хусусан, ушбу кодексга бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини тақозо этади.

Биринчи навбатда ушбу кодекс номини **"Тиббиёт кодекси"** деб номлаш таклифини берамиз. Бунга изоҳ сифатида **"Тиббиёт"** сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратиш лозим. **"Тиббиёт"** сўзи **"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"**да таъбиҳат, даволаш, кишилар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуи эканлиги қайд этилган.

Биз ушбу кодекс лойиҳасига 3 иловага мувофиқ ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни бериб ўтамиз⁵⁷.

Соғлиқни сақлаш қонунчилигини самарали амалга ошириш ва унинг қонунийлигини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги таклифни берамиз.

Фармацевтика тизимидаги барча субъектларнинг янада самарали ишлаши учун иктисодий, илмий-техникавий ва маъмурий- бошқарув мустакиллигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидан фармацевтика тармоғини буткул чиқариш ҳамда алоҳида, мустакил Агентлик (ёки қўмита) шаклида тузиш.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларда Давлат томонидан нодавлат ташкилотлар фаолиятини назорат ва улар фаолиятига аралашishi рухсати бўлмагани учун "Дорихона фаолияти бўйича инспекция" уз фаолиятини тўхтатган эди. Аммо, дорихона нодавлат ташкилот бўлиши билан бирга, у ижтимоий ташкилот ва инсон саломатлигини сақлаш соҳасида фаолият кўрсатади. Шунинг учун дорихоналар фаолиятини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини қайта тиклаш мақсадга мувофиқ

Фармацевтика тизимидаги барча давлат нодавлат ташкилотларнинг асосий бошқарув-раҳбарлик бўғинларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар олий маълумотли фармацевтлар ишлаши бўйича тартиботларни амалиётга жорий этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги, Тошкент Фармацевтика институти, "Ташкент Фарма Парк" кластери ҳамда ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган бошқа олий таълим муассасаларида фармацевт кадрлар сонини кўпайтириш лозим.

Мамлакатимизнинг бутун соғлиқни сақлаш тизимининг асосий муаммоси шундаки, қабул қилинган қоидалар, шу жумладан минтақаларда соғлиқни

⁵⁷ https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf

сақлаш соҳасидаги турли хил миллий дастурлар ва бошқа лойиҳалар кўпинча амалда ишламайди. Кадрлар етишмаслиги, поликлиникаларда ихтисослашган мутахассисларнинг етишмаслиги, ётоқларнинг етишмаслиги, тиббиёт муассасаларининг эскирган бинолари ва тегишли тиббий жиҳозларнинг етишмаслиги билан боғлиқ амалий муаммолар бартараф этилмагунча, прокуратура "тиббий" қонунларни ишлашга мажбур қилиши мумкинлигига ишониш бефойда. Масалан, тиббиёт муассасаси ва шифокорни танлаш ҳуқуқини амалда амалга ошириш деярли мумкин эмас, чунки поликлиникага бириктирилган фуқаролар сонининг белгиланган стандартларга нисбатан деярли ҳар доим кўплиги мавжуд. Агар туман касалхоналарида тиббиёт ходимлари етишмаётган бўлса, шифокорни танлаш ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмас, чунки беморлар унинг йўқлиги сабабли тор мутахассисдан маслаҳат ололмайдилар.

Инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг хилма-хиллиги, уларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш, янги қонунлар, фармонлар, қарорлар, фармойишларнинг қабул қилиниши кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларни янада тез, ҳар томонлама ва батафсил тартибга солиш имконини беради.

Илмий назарий ва қонунчиликка доир амалий хулоса ва таклифлар

Сўнгги тўрт-беш йил ичида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг барча қатламига, айниқса, узоқ қишлоқ аҳолисига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шошилинич тиббий ёрдам тизимини жадал ривожлантириш, Оналар ва болалар ўлими ҳолатларининг сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада оширишга оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш. бўйича олиб борилаётган ислохотлар бугун давлат сиёсатининг бош мақсадига айланган. Шу мақсадда бугунгача 120 дан ортиқ ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда соҳанинг барча йўналишларини комплекс ривожлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар қамраб олинган.

Хусусан, соғлиқни сақлаш қонунчилиги устидан назоратни амалга ошириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Буни эса ушбу соҳада содир этилаётган қонунбузилиш ҳолатлари билан тавсифласак бўлади.

Тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий, амалий-ташкилий ва миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий асосларга оид хулосалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг соғлиғини сақлаш тизимини янада такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли Фармони асосида “2019-2025 йилларда

Ўзбекистон Республикасининг соғлиғини сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси” ва “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиғини сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чоралар дастури” тасдиқланган. Мазкур чоралар дастурининг 7-бандида Ўзбекистон Республикасининг “Соғлиқни сақлаш кодекси”ни ишлаб чиқиш назарда тутилган. Мазкур қонун лойихаси 19.11.2020 дан 04.12.2020 гача қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилган ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама портали(Regulation.gov.uz) муҳокамасига қўйилган. Ушбу кодекс лойихасида бир қанча камчиликларни кўриш мумкин. Хусусан, ушбу кодексга бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини тақозо этади. Биринчи навбатда, ушбу кодекс номини “Тиббиёт кодекси” деб номлаш таклифини берамиз. Бунга изоҳ сифатида “Тиббиёт” сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратиш лозим. “Тиббиёт” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да таъбиқат, даволаш, кишилар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуи эканлиги қайд этилган.

II. Ташкилий-ҳуқуқий масалаларга оид хулосалар

1. Шифохоналар ва поликлиникалар ҳамда давлат ва хусусий дорихоналар ягона интеграционлашган тизим(платформа) яратилиш орқали электрон рецепт жорий этиш.
2. Тиббиёт муассасаларида бўш (вакант) иш ўринлари мавжуд бўлишига қарамай шифокорлар билан, айниқса тор доира мутахассислари билан таъминланиши етарли даражада эмас. Мавжуд бўш лавозимларга (вакансия) оид маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш ва очиқ эълон қилиш тартиби йўлга қўйилмагани коррупциявий хавф ва фирибгарлик ҳолатларини келтириб чиқаришига шароит яратмоқда. Ишга киришга номзодларга

талаблар, танлов ўтказиш тартиби аниқ белгиланмаган ва ишга жойлашиш истагида бўлган мутахассис кадрларнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилмаган. Тизимдаги бўш иш ўринларига ҳақида маълумотлар, кандидат учун талаблар, имтиҳон ўтказиш тартиби ва ариза топшириш вазирликни расмий веб-сайти орқали амалга ошириш тартибини жорий этиш(Исроил, Қозоғистон тажрибаси).

Ш. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

(Изоҳ: қонунчиликка киритилиши тавсифланаётган таклифларнинг намунавий лойиҳаси иловада кўрсатилган)

1. Ўзбекистон Республикаси Конституция 40-моддаси “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга” жумласи “Ҳар бир инсон давлат тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Давлат тиббий хизматининг минимал миқдори кафолатланади” деган жумла билан алмаштириш.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституция 118-моддаси “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади” жумласи “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунчилик устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади” деган жумла билан алмаштириш.
3. Прокурор назоратининг предметини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси 2 қисмида “қонунларнинг ижроси” сўзларидан кейин “шунингдек, тегишли муносабатлар соҳасини тартибга солувчи қонунлар асосида ва уларнинг ижро этириш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив хусусиятдаги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бошқа қонуности ҳужжатлари” деган жумласининг қўшилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 116¹-моддасини яъни, “Инсон ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш” тушунчасини киритиш.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 116²-моддасини – “Ноқонуний тиббий амалиёт” тушунчасини киритиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (Нью-Йорк, 1948 йил 10 декабрь) // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. –Т.: “Адолат”, 2004. – 520 б.;
2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. –Т.: “Адолат”, 2004. – 520 б.;
3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. –Т.: “Адолат”, 2004. – 520 б.;
4. Устав Всемирной организации здравоохранения от 22 июля 1946 г. [Текст] : [принят в Нью-Йорке]. – СЗ РФ.– 2012. – № 44. – Ст. 6021.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2019. – 75 б. ;
6. 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони (<https://lex.uz/docs/4096197>)
7. 2021 йил 5 майда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги 6211-сонли Фармони (<https://lex.uz/docs/5411129>)
8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664> (мурожаат вақти: 25.05.2021).;
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // (<https://lex.uz/docs/111453>) (мурожаат вақти: 25.05.2021);
10. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2001 й, 257-П-сон.;

11. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 265-II-сонли “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни;
12. Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуни; 19.08.1999 йилдаги 813-I-сонли;
13. Конституция Португальской Республики от 02.04.1976. URL: <http://pandia.ru/text/77/301/93234.php> (дата обращения: 03.03.2022).
14. Уголовный кодекс Российской Федерации. Законом РФ 13.06.1996 г. №63-ФЗ. (Электрон манба: <https://consultant.ru>. мурожаат қилинган вақт: 10.12.2020.);
15. Уголовный кодекс Республики Казахстан. Законом РК 12.07.2018г. №180-VI. (Электрон манба: <https://online.zakon.kz>. мурожаат қилинган вақт: 10.12.2020.);
16. Уголовный кодекс Республики Беларусь. Законом РБ 09.07.1999 г. №275-3. (Электрон манба: m.etalonline.bytype.) мурожаат қилинган вақт: 20.12.2019.);
17. Уголовный кодекс Республики Азербайджан. Законом РА 10.12.2019 г. №787-IQ. (Электрон манба: <https://online.zakon.kz/m/Document>) мурожаат қилинган вақт: 10.12.2020.);
18. Указ Президента Республики Беларусь от 30 декабря 2003 года № 603 «О некоторых мерах по совершенствованию системы органов и подразделений внутренних дел Республики Беларусь» // <https://belzakon.net> //Законодательство Указ_Президента_РБ/2003/5121 (мурожаат вақти: 05.05.2021);
19. Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях. Закон РФ 30.12.2001 г. №195-ФЗ.;
20. Закон Российской Федерации от 07 февраля 2011 года № 3-ФЗ (ред. от 06.02.2020) «О полиции».
21. Основной закон Федеративной Республики Германии от 23.05.1949. URL: <https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/004/082/index.htm> (дата обращения: 18.12.2017);

22. Конституционные акты Великобритании URL: https://legalns.com/download/books/cons/united_kingdom.pdf (дата обращения: 20.05.2022.).
23. Конституция Японии от 03.05.1947. Доступ из справ-правовой системы «КонсультантПлюс».
24. Конституция Португальской Республики от 02.04.1976. URL: <http://pandia.ru/text/77/301/93234.php> (дата обращения: 03.03.2022).

Методологик аҳамиятга молик наишлар

1. Каримов И.А. Адолат-конун устиворлигида. / Халқ сўзи. 2001 й. 30 авг.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 366 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон. 1998. – 686 б.;
4. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. – 2016. – 2 ноябрь.;
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.– 592 б.;
6. Мирзиёев Ш.М. Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги якунлари: замонавий таҳдидлар ва реал воқеалик//Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумидаги нутқи, Самарқанд. 2018., 22 ноя// Халқ сўзи. – 2018. – 23 ноябрь.;
7. Мирзиёев Ш.М. Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди // Халқ сўзи. – 2020 й 18 август. – 173 (7675).;

8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 25 январь., №19 (7490)-сон.;
9. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси. 2019 йил 8 дек, №254(7484). 2-б.

Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар

1. О.М.Мадалиев “ПРОКУРОР НАЗОРАТИ”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм.) Т.: «ILM ZIYO», 2012. – 398 б.;
2. Б.Х. Пўлатов.Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. 520 б.;
3. О.М. Мадалиев Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 424 б.;
4. Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 180 с.;
5. Ястребов В.Б. Прокурорский надзор. Учебник. М. 2001. – 406 с.;
6. Чувилев А.А. Прокурорский надзор: вопросы и ответы. М. 1999. – 334 с.;
7. Сафонов А.П. Сущность и пределы прокурорского надзора за соблюдением законодательства в местах лишения свободы. Сб. «Вопросы прокурорского надзора». М. 1972. – С. 141, 156
8. Емельянов С.А. Предупреждение правонарушений средствами общего надзора прокуратуры. М. 1980. – С.17
9. Ожегов С.И. Словарь русского языка. М.: 1975. – С. 401.

- 10.Коробейников Б.В. Правовое регулирование предмета общего надзора. В кН. «Совершенствование правового регулирования прокурорского надзора в СССР». М. 1976. – С. 96.
- 11.Спиридонов Б.М. Прокурорский надзор за исполнением законности в исправительно-трудовых учреждениях. М. 1978. – С. 127.
- 12.Козлов А.Ф. О пределах общего надзора. Социалистическая законность. 1975. №5. – С. 51.
- 13.Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М. 2006. С. 187; Комментарий к закону «О прокуратуре Российской Федерации», под ред. Ю.И. Скуратова. М. 2001. – С. 102.
- 14.Гущин В.З. Прокурорский надзор за соблюдением конституционного права на объединение. М. 1998. – С. 98.
- 15.Берензон А.Д. Основные направления совершенствования общего надзора советской прокуратуры. Автореферат Дис.... докт. юрид. наук. М. 1977. – С. 9.
- 16.Ястребов В.Б. Надзор за исполнением законов как основная функция прокуратуры. Проблемы совершенствования прокурорского надзора. Материалы научно-практической конференции. М.: НИИ проблем укрепления законности и правопорядка. 1997. – С. 18.
- 17.Прокурорский надзор. под ред. Ю.Е. Винокурова. М. 2007. – С. 119-120.
- 18.Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России: учеб. М.: Юристъ, 2003. С. 254 – 257; Алексеев С.С. Структура советского права. М., 1975. С. 27 – 28, 36 – 37, 158; Зорь-кин В.Д. Цивилизация права: современный контекст // Журн. конституц. правосудия. 2014. № 5.
- 19.Расторопов С.В. Уголовно-правовая охрана здоровья человека от преступных посягательств: моногр. СПб., 2006. С. 22.
- 20.Борисов В.В. Правовой порядок развитого социализма. Вопросы теории. Саратов. 1977. С. 328 – 329.

- 21.Кривоносов А.Н. Прокурор как участник производства по делам об административных правонарушениях // Административ. и муницип. право. 2009. № 1. С. 79 – 81.
- 22.Гущин В.З. Прокурорский надзор за соблюдением конституционного права граждан на объединение. М.: 1998. – С. 109-110.
- 23.Клочков В.В. Методика как раздел науки. Вопросы теории законности и прокурорского надзора. М.: 1994. – С. 37.
- 24.Коробейников Б.В. Методика, тактика и организация общего надзор. Соц. Законность. 1986. № 1. – С. 46-48.
- 25.Организация работы городской (районной) прокуратуры. Методическое пособие, под общ. ред. С.И. Герасимова. М.: 2001. – С. 131.
- 26.Викторов И.С. Организация работы по надзору за исполнением законов и законностью правовых актов, соблюдения прав и свобод человека и гражданина. В кН. «Организация работы городской и районной прокуратуры». М.: 2001. – С. 131.
- 27.Основные критерии содержания, применения полномочий прокурора рассмотрены в следующих трудах: Викторов И.С. Полномочия прокурора по выявлению нарушений закона и применению правовых средств реагирования на выявленные правонарушения. Метод. Рекомендации. М.: 2004; Прокурорский надзор, под ред. Ю.Е. Винокурова. М.: 2007, –С.120-124; Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М.: 2006. – С. 194-199;
- 28.Винокуров А.Ю. Полномочия прокурора по надзору за исполнением законов. Законность. М.: 2006. № 4. – С. 10-13.
- 29.Избранные конституции зарубежных стран: учеб. пособие для бакалавров / отв. ред. Б. А. Страшун; пер. И.А. Алебастрова [и др.]. М.: Юрайт, 2012. С. 190, 341; Конституционное право: университет. курс: учеб.: в 2 т. Т. 2. М.: Проспект, 2015.
- 30.Конституционное право: университет. курс: учеб.: в 2 т. / под ред. А.И. Казанника, А.Н. Костюкова. М.: Проспект, 2015. Т. 2. Гл. 6. § 3.

Диссертация, диссертация авторефератлари, илмий мақола ва
тезислар

1. Альбицкий, П.Д. Вопросы общего надзора в практике советской прокуратуры / М., 1956.
2. Берензон, А.Д. Работа прокурора по общему надзору [Текст] / А.Д. Берензон, В.Г. Мелкумов. – М., 1974.
3. Богославский, Е.А. Контроль и надзор как форма реализации правовой политики / Е.А. Богославский. – М.: АНО НИИ истории, экономики и права, 2015.
4. Гулягин, А.Ю. Прокуратура в системе правоохранительных органов административной юрисдикции. моногр./А.Ю. Гулягин. – М. : Юрист, 2012.
5. Гуреев, В.А. Теоретико-правовые основы деятельности органов принудительного исполнения в Российской Федерации [Текст] : моногр. очерк / В.А. Гуреев. – М. : РПА Минюста России, 2010.
6. Егорова, М.А. Концепция совершенствования механизмов саморегулирования: pro et contra: моногр. М. : Юстицинформ, 2017. – Доступ из справ-правовой системы «КонсультантПлюс».
7. Кобзарев, Ф.М. Организация работы в прокуратуре субъекта Российской Федерации [Текст] : метод. материалы к семинару / Ф.М. Кобзарев. – М. : ИПК РК Акад. Генер. прокуратуры Рос. Федерации, 2010.
8. Проблемы общей теории права и государства [Текст] : учеб. для вузов / под ред. В.С. Нерсеянца. – М. : Норма, 2004.
9. Расторопов, С.В. Уголовно-правовая охрана здоровья человека от преступных посягательств [Текст] : моногр. / С.В. Расторопов. – СПб., 2006.
10. Субанова, Н.В. Прокурорский надзор за исполнением законодательства в сфере лицензирования: вопросы теории и практики [Текст] / Н.В. Субанова. – М. : Юриспруденция, 2010.

11. Алгазина А.Ф. Саморегулирование как вид управленческой деятельности (административно-правовой аспект) [Текст] : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2017.
12. Каменская, Н.А. Конституционное право на охрану здоровья и медицинскую помощь: современные гарантии обеспечения, принципы реализации и механизмы защиты [Текст]: дис. ... канд. юрид. наук / Н.А. Каменская. – Владикавказ, 2011.
13. Литовка, А.Б. Право на охрану здоровья и медицинскую помощь в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование [Текст] : авто-реф. дис. ... канд. юрид. наук / А.Б. Литовка. – М., 2005.
14. Чубенко, И.С. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере оказания поддержки субъектам малого и среднего предпринимательства [Текст] : дис. ... канд. юрид. наук / И.С. Чубенко. – М., 2013.
15. Большая советская энциклопедия. М.: Советская энциклопедия, 1978. – 1009 с.;

Интернет ресурслари

16. <http://lex.uz>
17. <http://lawlibrary.ru>
18. <http://www.pravo.org.ua/>
19. <http://www.consultant.ru>
20. <http://proacademy.uz>
21. <https://www.citizenpath.com>
22. <https://www.uz.undp.org>
23. <http://constitution.uz/uz>
24. <http://pravogizn.h1.ru>
25. <http://www.consultant.ru>
26. <http://norma.uz>
27. <http://qomus.info>

28. <https://www.migration.gov.az>
29. <https://worldjusticeproject.org>
30. <http://uzjournals.edu>
31. <https://cyberleninka.ru/>
32. <http://www.unn.ru>
33. <http://www.vestnik.vsu.ru>
34. www.drjv.org.
35. <http://injustjournal.ru>
36. <https://stat.sud.uz>
37. <https://public.sud.uz>
38. <http://www.gesetze-im-internet.de/sgg/>
39. <https://rm.coe.int>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН
ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан _____ да қабул қилинган

Сенат томонидан _____ да маъқулланган

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003-йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 9, 588-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин.

1. 40-модда **“Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”** жумласи **“Ҳар бир инсон давлат тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Давлат тиббий хизматининг минимал миқдори кафолатланади”** деган жумла билан алмаштирилсин.
2. 118-модда **“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”** жумласи **“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунчилик устидан назоратни**

**Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга
бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан _____ да қабул қилинган

Сенат томонидан _____ да маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган 257-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2008 й., 39-сон, 390-модда; 2008 й., 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон, __.__.20__ й., __/__/__-сон) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1-модданинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН
ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан _____ да қабул қилинган

Сенат томонидан _____ да маъқулланган

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014

йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

116¹-модда. Инсон ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш.

Инсон ҳаёти, соғлиғи учун хавфли бўлган ҳолатлар, факт ёки ҳодиса тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тақдим этишга мажбур бўлган шахс томонидан содир этилган маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш:

- уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

116²-модда - Ноқонуний тиббий амалиёт

1. Соғлиқка зарар етказадиган ноқонуний тиббий амалиёт баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, -

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш кодекси лойиҳасига
қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш ҳақида**

Амалдаги ҳолат	Таклиф этилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар
<p>абилитация - жамият ҳаётига мослаштириш учун организмнинг йўқ бўлган (туғма) ва (ёки) ривожланмаган функцияларини шакллантиришга қаратилган тиббий, ижтимоий, педагогик, психологик жиҳатдан тузатиш ва бошқа тузатиш чора-тадбирлари мажмуидир;</p> <p>«ангро» маҳсулоти- йирик қадокда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган, шунингдек, кейинчалик тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш (тайёрлаш) учун ишлатиладиган дори воситаси;</p> <p>аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги - аҳоли соғлиғининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш муҳити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланади;</p> <p>бемор – тиббий ёрдам учун мурожаат қилган, тиббий кузатув остида бўлган ёки тиббий ёрдам олган жисмоний шахс;</p> <p>бирламчи тиббий-санитария ёрдами - амбулатория шароитида кўрсатиладиган ва профилактика қилиш, ташҳис қўйиш, касалликларни даволаш, ҳомиладорлик кечишини кузатиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолини санитария-гигиена хусусида хабардор қилиш бўйича тадбирларни ўз ичига оладиган тиббий ёрдам тури (ПКМ 832);</p> <p>бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти- ишлаб чиқарилиши жараёнида микронутриентлар билан бойитилган (фортификация қилинган) озиқ-овқат маҳсулоти;</p> <p>генерик дори воситалари (генериклар) – таркибидаги субстанция ва субстанциялар мажмуаси ҳамда дори шакли айнан оригинал дори воситасиники каби бўлган, оригинал дори воситаси патент ҳуқуқининг муддати ўтганидан сўнг муомалага киритилган дори воситалари;</p> <p>гўдак-бир ёшгача бўлган бола;</p> <p>гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотлари -гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар организмнинг физиологик хусусиятларига ҳамда эҳтиёжларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари;</p> <p>давлат-хусусий шериклик - давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорлиги;</p> <p>давлат санитария назорати – аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари</p>	<p>Юқумли бўлмаган касалликлар – инсонни носоғлом турмуш тарзи, жисмоний фаоллик даражаси, носоғлом овқатланиш, зарарли меҳнат ва атроф муҳитнинг физикавий, кимёвий, биологик ёки бошқа омиллари таъсирида ривожланадиган касалликлар;</p> <p>Касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавfli ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги</p>

бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;

Давлат фармакопеяси - Давлат фармакопеяси дори воситаларига ва тиббий буюмларга доир талабларни, умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини, дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш усулларини ўз ичига олган ҳужжатлар тўпламининг расмий наشري;

Давлат тиббий суғурта жамғармаси - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қоплаш мақсадида ажратиладиган маблағларни жамлаш, бошқариш, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини ташкил этишни амалга оширадиган, шунингдек тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига киритилган тиббий хизматлар стратегик харидчиси ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширадиган давлат нотижорат ташкилоти;

даволаш – бемордаги касалликни бартараф этишга қаратилган тиббий хизматлар мажмуи;

даволовчи шифокор - кузатув ва даволаниш даврида тиббий ёрдамни ташкил этиш ва беморга бевосита тиббий ёрдам кўрсатиш функциялари юклатилган олий тиббий маълумотга эга шифокор;

даъвогар – лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат ҳамда хабардор этиш фаолиятини бошлаш учун даъвогар бўлган юридик ва жисмоний шахслар, хорижий юридик ва жисмоний шахслар;

дорихона - дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш, кадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, харид қилиш, сақлаш ва чакана реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси. Дорихоналарнинг филиаллари, даволаш-профилактика муассасаларининг ички дорихоналари ҳам дорихоналар жумласига киради;

донор - ўз қони ва унинг таркибий қисмларидан бир қисмини тиббиёт эҳтиёжлари учун ихтиёрий равишда берувчи жисмоний шахс;

донор қони банки - қон билан ишлаш хизмати томонидан вужудга келтириладиган ва янгилаб бориладиган, узоқ муддат сақлашга мўлжалланган донор қони таркибий қисмларининг захиралари;

донор қони препаратлари - донор қони таркибий қисмларини қайта ишлашда олинган даволаш воситалари;

донор қони таркибий қисмлари - қоннинг қон плазмаси ва ҳужайралари шаклидаги таркибий қисмлари;

дори воситалари - касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

дори моддалари (субстанциялар) — фармакологик, иммунологик ёки метаболик фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис кўйиш мақсади учун фойдаланиладиган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, келиб чиқиши таббий ёки синтетик моддалар;

дори препаратлари - дозаланган, идишга жойланган-ўралган, қўллашга тайёр дори воситалари;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестри - Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар рўйхати ва тиббий техника улар тўғрисидаги маълумотлар тўплами;

дори воситасининг клиник тадқиқоти субъекти - дори воситаси ва тиббий буюмларнинг клиник тадқиқотида иштирок этаётган, тадқиқ этилаётган дори воситаси қабул қилувчи, тиббий буюмни ўзида синовчи гуруҳ ёхуд назорат гуруҳи таркибидаги жисмоний шахс;

дори воситасининг самарадорлиги –касалликнинг кечиши, давомийлиги, унинг олдини олиш, тиклаш, хомиладорликни сақлаб қолиш, олдини олиш ёки тўхтатишга дори воситаси томонидан кўрсатиладиган ижобий таъсирнинг даражаси;

дори воситасининг хавфсизлиги - дори воситасининг одам соғлиғига зарар келтириш хавфи ва самарадорлигини солиштиришга асосланган таснифи;

доривор ўсимлик хом ашёси- дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун фойдаланиладиган, таркибида биологик фаол моддалар бўлган ўсимликлар ёки уларнинг қисмлари;

жисмоний реабилитация - шахслар организмининг бузилган ёки вақтинча йўқолган функцияларини ҳамда уларнинг ижтимоий ва касбий фаолиятга бўлган қобилятини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ҳамда усулларидан фойдаланган ҳолда тиклаш (тузатиш ва компенсация) қилишдир;

зарур фармацевтика амалиётлари (GxP) -дори воситаларини истеъмолчи учун сифати, самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминловчи зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP), зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP), зарур клиника амалиёти (GCP), зарур лаборатория амалиёти (GLP), зарур фармакологик назорат амалиёти (GVP), зарур сақлаш амалиёти (GSP), зарур дорихона амалиёти (GPP) талаблари мажмуаси;

ижтимоий реабилитация - ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт фаолияти чекланганлигини енгиб ўтиши учун шарт-шароитлар яратишга, ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, мустақил яшаш имкониятларини тиклашга, шунингдек уларни жамиятда оилавий ҳаётнинг одатий шароитларига қайтаришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир;

«Инбалк» маҳсулоти -дори воситалари ёки тиббиёт буюмларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қадоқлаш, истеъмол ўрами ва маркировка қилишдан ташқари барча технологик босқичлардан ўтган ҳар қандай қадоқланмаган дори воситаси ёки тиббиёт буюм «in bulk» маҳсулот;

инсоннинг яшаш муҳити - инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар, ҳодисалар ва атроф-муҳит омиллари мажмуи;

ихтисослашган тиббий ёрдам - махсус усуллар ва мураккаб тиббиёт технологияларидан фойдаланишни талаб қиладиган касалликлар ва ҳолатларни профилактика қилиш, ташҳис қўйиш ва даволашни (шу жумладан ҳомиладорлик, туғиш даврида ва туғишдан кейинги даврда), шунингдек, тиббий реабилитация қилишни ўз ичига оладиган тиббий ёрдам тури (ПКМ 832);

йод етишмаслиги касалликлари - организмда йоднинг етишмаслиги оқибатида қалқонсимон без касалликлари кўринишида намоён бўладиган касалликлар;

йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари - ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари;

йодланган туз - ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган ош тузи;

қалбакилаштирилган дори воситаси ва тиббий буюм - таркиби ёки хусусияти тўғрисида ёхуд ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон ахборот илова қилинган дори воситаси ва тиббий буюм;

касаллик – инсон соғлиғининг руҳий ва жисмоний бузилиши;

касбий реабилитация - ногиронлиги бўлган шахсларни касбга йўналтиришга, касбга ўқитишга ва ишга жойлаштиришга, шунингдек уларнинг бой берилган касбий билимлари, маҳорати ва кўникмаларини тиклашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир;

кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам - бемор ҳаётига хавф соладиган аниқ белгилари бўлмаган тўсатдан кучли касалликларда, ҳолатларда ва сурункали касалликлар кучайганда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури (ПКМ 832);

кичик ёшдаги бола — бир ёшдан уч ёшгача бўлган бола;

клиник баённома - муайян синдромли аниқ бир касалликка чалинганда ёки тиббиёт ташкилотига муайян клиник вазиятда беморга тиббий ёрдам кўрсатишга қўйилган минимал талабларни белгиловчи норматив ҳужжат(ПКМ 832);

кучли таъсир қилувчи дори воситалари (heroicum) - уларни тайинлаш, қўллаш, дозалаш, рецепти, тарқатилиши, сақланиши ва ҳисобга олиниши Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган махсус қоидаларга мувофиқ тузилган ва кучли таъсир қилувчи дори воситалари рўйхатига киритилган дори воситалари;

мажбурий даволаш - наркологик касалликларга чалинган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида кўрсатиладиган наркологик ёрдам тури;

микронутриентлар - инсон организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, ўрнини бошқа нарса боса олмайдиган озиқ-овқат моддалари (витамиинлар ва минерал моддалар);

микронутриент етишмаслиги - инсон организмнинг озиқ-овқат билан тушадиган микронутриентлар етарли эмаслиги сабабли касалликларнинг ривожланишига олиб келадиган ҳолати;

микронутриентлар саплементацияси - аҳолининг муайян гуруҳлари ўртасида микронутриентларнинг дори воситалари тарзида профилактик дозаларда қўлланилиши;

наркологик ёрдам - наркологик касалликлар профилактикасини, наркологик касалликларга чалинган шахсларни текширишни, уларга маслаҳат беришни, ташхис қўйишни, уларни даволашни, тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ўз ичига олувчи ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тури;

наркологик касаллик – психоактив моддаларни нотиббий равишда истеъмол қилишга руҳан ва жисмонан қарамлик билан тавсифланадиган, ички органларнинг фаолияти бузилган ёки бузилмаган ҳолдаги сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва (ёки) заҳарвандлик;

наркологик касалликка чалинган шахс – ўзига нарколог шифокор томонидан наркологик касаллик ташхиси қўйилган шахс;

наркологик касалликларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш – наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳаёт фаолиятига доир чекловларни бартараф этишга ёки компенсация қилишга, йўқотилган ижтимоий алоқаларини ҳамда ижтимоий мақомини тиклашга, меҳнат ва маиший шароитларга мослашувини таъминлашга қаратилган тиббий, психологик, тарбиявий, таълимга оид, ижтимоий, ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

наркология муассасалари - аҳолига наркологик ёрдам кўрсатувчи наркология марказлари, шифохоналари, диспансерлари, психоневрология диспансерлари тузилмасидаги бўлинмалар, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг наркология кабинетлари, наркология диспансерлари тузилмасидаги мажбурий даволаш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган бўлинмалар ёки мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология шифохоналари;

наркологик экспертиза – тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масалаларини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш жараёнида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал этиш учун наркологик касалликка ташхис қўйишга қаратилган шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш;

одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) -одамнинг сурункали юқумли иммунитет танқислиги касаллигини кўзғатувчи;

ОИВ инфекцияси - одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган сурункали юқумли иммунитет танқислиги касаллиги;

ОИВни юқтириб олганлар - одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар;

она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар - гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун она сути ўрнини босадиган озиқ-овқат маҳсулотлари;

орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) - одамнинг иммунитет танқислиги вируси одамнинг иммун тизимини шикастлаши натижасида касаллик белгилари келиб чиқадиган ОИВ инфекциясининг сўнгги босқичи;

оригинал дори воситаси – янги фаол моддага эга бўлган, патент расмийлаштирилган, сифатини, хавфсизлигини ва самарадорлигини тасдиқловчи клиник олди ва клиник тадқиқотлар натижалари асосида биринчи марта рўйхатга олинган дори воситаси;

паллиатив тиббий ёрдам - бедаво дардга чалинган беморларнинг ҳаётини яхшилаш мақсадида оғриқдан халос қилишга ва касалликнинг бошқа оғир кўринишларини енгиллаштиришга қаратилган тиббий аралашувлар комплексини ифода этадиган тиббий ёрдам тури (ПКМ 832);

протез-ортопедия буюмлари – йўқ бўлган қўл-оёқларнинг ёки тана бошқа қисмларининг ўрнини босиш учун мўлжалланган, организмнинг бузилган ёки йўқолган функцияларини компенсация қилувчи буюмлар;

профилактика – соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, шу жумладан соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг пайдо бўлиши ва (ёки) тарқалишининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш, пайдо бўлиши ва ривожланишининг сабаблари ва шароитларини аниқлашга қаратилган, шунингдек инсоннинг яшаш муҳити омилларининг унинг саломатлигига зарарли таъсирларини бартараф этишга қаратилган чоратадбирлар мажмуи;

профилактик эмлаш - юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида инсонга фаол иммунитет ҳосил қилиш усули; (*ЎзР “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталилиги тўғрисида”ги қонуннинг 33 моддаси*)

психиатрия ёрдами - руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг руҳий соғлиғини қонун ҳужжатларида белгиланган асослар бўйича ва тартибда текширувдан ўтказиш, уларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, парваришлаш ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклашни ўз ичига олади;

психоактив моддалар – марказий асаб тизимига ўзига хос таъсир кўрсатадиган, мунтазам равишда истеъмол қилганда руҳан ва жисмонан қарамликни юзага келтириши мумкин бўлган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий кимёвий моддалар;

психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш – шахсларда мастлик ҳолатини аниқлашга қаратилган тиббий кўрик усуллари ва тиббий текширувлар мажмуи;

режали тиббий ёрдам - профилактика тадбирлари ўтказишда, бемор ҳаётига хавф солмайдиган, шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам талаб қилмайдиган касалликлар ва ҳолатларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури. Бундай ёрдамнинг муайян вақт кеч кўрсатилиши бемор ҳаётининг ёмонлашишига, ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолишига сабаб бўлмайди (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 832-сонли қарори*);

рецепт-шифокорнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори препаратини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланилиш усули тўғрисидаги ёзма кўрсатмаси;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси - дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техниканинг Ўзбекистон

<p>Республикасида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;</p> <p>санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар -юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурий, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;</p> <p>санитария-эпидемиологик вазият — аҳоли яшаётган муҳитининг ва соғлигининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;</p> <p>санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати-- аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, орттирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга) қарши курашиш марказларини, дезинфекция станцияларини, ўлат, карантин ва ўта хавfli инфекцияларни профилактика қилиш марказларини, Миллий референс лабораторияси, илмий-тадқиқот муассасаларини ўз ичига олган ягона тизим; (<i>ЎзР Президентининг 2020 йил 27.07. № ПҚ-4790 Қарори</i>)</p> <p>сил касаллиги — сил микобактериялари кўзғатадиган юқумли касаллик;</p> <p>сил касаллигининг юқумли шакллари- сил касаллигининг сил микобактерияларини чиқариб турадиган фаол шакллари;</p> <p>сил касаллигига кўра ноқулай бўлган чорвачилик объекти - ҳайвонларнинг сил касаллигига чалиниш ҳолати мавжуд бўлган объект;</p> <p>сил микобактериялари (микроорганизмлар)- сил касаллигини кўзғатувчилар;</p> <p>сифатсиз дори воситаси ва тиббий буюм— яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) яроқлилик муддати ўтган дори воситаси ва тиббий буюм;</p> <p>соғлик – касалликлар, шунингдек организмнинг органлари ва тизимлари функцияларининг бузилиши мавжуд бўлмаган инсоннинг жисмоний, рухий ва ижтимоий фаровонлик ҳолати;</p> <p>соғлиқни сақлаш -аҳолига қулай тиббий ёрдамни ташкил этиш ва таъминлашга қаратилган давлат фаолиятининг тармоғи;</p> <p>соғлиқни сақлаш ташкилоти – асосий фаолият тури тиббиёт, тиббий-ижтимоий хизмати, фармацевтика ва (ёки) санитария-эпидемиологик фаолиятини амалга ошириш бўлган юридик шахс;</p> <p>соғлиқни сақлаш ходимлари – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббиёт, тиббий-ижтимоий хизмати, фармацевтика ва санитария-эпидемиологик ходимлари лавозимларини эгаллаб турган шахслар, шунингдек соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайдиган бошқа шахслар;</p> <p>сунъий озиклантириш — гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар билан озиклантириш;</p> <p>стандарт ёзув - дори препаратларининг даволаш хусусиятлари самарадорлиги текширилганидан сўнг тузилган таркиби;</p> <p>такрорий эмлаш- юқумли касалликлар юқтирмаслик бобидаги йўқолган хусусиятни тиклаш ёки касаллигига нисбатан янада</p>	
--	--

кучлироқ даражада иммунитет ҳосил қилиш учун одам ёки хайвон организмга такрорий равишда вакцина киритиш;
ташхис - бемор соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги тиббий хулоса;
ташхис қўйиш – ташхис қўйишга қаратилган тиббий хизматлар мажмуи;

тез тиббий ёрдам - бемор ҳаётига хавф соладиган тўсатдан кучли касалликларда, ҳолатларда ва сурункали касалликлар кучайганда шошилиш кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йил 832-сонли қарори);

телетиббийёт -тиббийёт ходимларининг бир-бирлари билан, беморлар ва (ёки) уларнинг қонуний вакиллари билан масофадан туриб ўзаро алоқаларини таъминлаш, беморнинг соғлиғини масофадан туриб кузатиш, шунингдек ушбу шахсларни идентификациялаш ва аутентификация қилиш, машғулотлар, маслаҳатлашувлар, маслаҳат беришлар, масофавий тиббий кузатувлар пайтида уларнинг ҳаракатларини ҳужжатлаштиришни таъминлайдиган ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури;

тиббий буюмлар - касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, беморларни реабилитация қилиш ва (ёки) санаб ўтилган жараёнларни таъминлаш учун, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини аниқлаш, тиклаш, алмаштириш ҳамда ўзгартириш, ҳомиладорликнинг олдини олиш ёки уни тўхтатиш учун тиббийёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, қўлланилиши натижасида одам организмга фармакологик, иммунологик, генетик ёки метаболик таъсир кўрсатмайдиган буюмлар;

тиббий экспертиза - бу фуқароларнинг меҳнат ёки бошқа фаолият турларини амалга ошириш қобилиятини аниқлаш, шунингдек ҳар қандай ҳодисалар, омишлар ва фуқаронинг соғлиғи ҳолати ўртасидаги сабабий боғлиқликни аниқлаш мақсадида белгиланган тартибда ўтказиладиган тадқиқот;

тиббий-ижтимоий экспертиза – текширувдан ўтказилаётган шахснинг клиник-функционал, ижтимоий, касбий-меҳнат ва психологик маълумотларини комплекс баҳолаш асосида унинг соғлиғи йўқолганлиги даражасини ҳамда организмнинг функциялари турғун бузилганлиги сабабли ҳаёт фаолияти чекланганлиги даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг бошланиши сабаби ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва зарур меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи тўғрисида тавсиялар бериш,

тиббий реабилитация - шахслар аъзоларининг ҳамда организми тизимларининг бузилган ва (ёки) йўқолган функцияларини сақлаб қолишга, қисман ёки тўлиқ тиклашга қаратилган тиббий хизматлар мажмуидир;

тиббий техника — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, беморларнинг реабилитацияси учун,

шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини аниқлаш, мониторинг қилиш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган алоҳида, мажмуа ёки системалар сифатида қўлланиладиган аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар ва мажмуалар, махсус программа дастурлари;

тиббиёт фаолияти – қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тиббий ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, тиббий экспертиза ўтказиш бўйича юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган фаолият.

тиббий ёрдам - инсон саломатлиги ҳолатини баҳолаш ва унга тиббий таъсир кўрсатиш, шу жумладан тиббиёт ходимлари томонидан профилактика қилиш, ташҳис қўйиш, даволаш, реабилитация қилиш ва паллиатив тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йил 832-сонли қарори);

тиббий ёрдамнинг кафолатланган хажмлари - аҳолига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатиладиган тиббий ёрдам (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йил 832-сонли қарори);

тиббий ёрдамнинг сифат стандарти - муайян вақт давомида тиббий ёрдам даражасига эришишни акс эттирувчи нормалар, қоидалар ва талаблар тўпламини ўз ичига оладиган ҳужжат. Тиббий ёрдамнинг сифат стандартлари тиббий фаолият билан шуғулланадиган ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади ва улар томонидан тиббий ёрдам кўрсатишда режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китоблар учун фойдаланилади((Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 832-сонли қарори);

тиббий реабилитация – бемор организмнинг нормал ишлашини тиклашга ва касаллик натижасида бузилган функционал имкониятларини қоплашга қаратилган тиббий хизматлар мажмуи;

тиббий хизмат - профилактика қилиш, ташҳис қўйиш, даволаш, реабилитация қилишга қаратилган, шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш вақтида кўрсатиладиган, мустақил яқунланган аҳамият ва қиймат хусусиятига эга бўлган ҳаракат ёки ҳаракатлар тўплами (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йил 832-сонли қарори);

тиббий этика ва деонтология – тиббиёт, тиббий-ижтимоий хизмати, фармацевтика ва санитария-эпидемиологик ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришлари давомидаги хулқ-атвор принциплари, нормалари ва қоидаларининг йиғиндиси;

тиббий кўрик - инсоннинг соғлиғи ҳолатини баҳолашга, касалликларни, уларнинг пайдо бўлиш хавфи омилларини аниқлашга қаратилган тиббий хизмат; (*ССВнинг 2012й 10.07. №200 буйруғи асосида соғлом ишчи- ходимлар тиббий куриқдан утади*);

тиббиёт ходими –қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тиббий ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш, аҳолининг санитария-

эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ва тиббий экспертизаларни ўтказиш билан шуғулланадиган ҳамда таълим тўғрисидаги ҳужжат билан тасдиқланган олий ёки ўрта махсус тиббий маълумотга эга бўлган жисмоний шахс;

фармацевт – фармацевтика фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган, олий ёки ўрта махсус фармацевтика маълумотларига эга бўлган мутахассис;

фармакопея мақоласи - муайян дори воситасининг, тиббий буюмнинг, доривор ўсимлик хом ашёсининг, ёрдамчи модданинг сифатига доир талабларни белгилайдиган норматив ҳужжат;

фармакопея кўмитаси - Умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиш ва уларни Давлат фармакопеясига киритишни белгиланган тартибда амалга оширувчи расмий эксперт органи;

фармацевтик инспекция — юридик шахсларнинг зарур фармацевтика амалиётлари талабларига мувофиқлигини баҳолаш юзасидан ўтказиладиган инспекция;

фармацевтик инспектор — фармацевтик инспекцияни ўтказиш учун ваколатга эга фармацевтик инспекторлар реестрига киритилган мутахассис;

фармацевтика ташкилоти – дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, фармакологик назорат, тайёрлаш, олиб кириш ва олиб чиқиш, улгуржи ва чакана реализацияси билан шуғулланувчи ташкилот;

фармацевтика фаолияти - дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича изланишларни, клиник олди ва клиник тадқиқотларини, экспертиза, рўйхатдан ўтказиш, фармакологик назорат, стандартлаштириш, сифат назорати, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, ахборот бериш, етказиб бериш ва реализация қилишни қамраб оладиган фаолият;

фуқароларнинг соғлиғини сақлаш - давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа шахслар, фуқаролар томонидан касалликларнинг олдини олиш, ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, унинг узоқ вақт фаол ҳаётини сақлаб туриш, унга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, илмий, тиббий чора-тадбирлар, шу жумладан санитария ва эпидемияга қарши (профилактика) чора-тадбирлар тизими;

ҳалқ табобати (табиблик) – шифо воситалари, шунингдек соғлиқни асраш, касалликларни олдини олиш ва даъволаш амалиётида қўлланиладиган даъволаш ва гигиеник услублар ва кўникмалар тўғрисида ҳалқ томонидан тўпланган эмпирик маълумотларнинг йиғиндисиди;

шошилич тиббий ёрдам - касалликларга чалинганда, бахтсиз ҳодисалар юз берганда, жароҳат олганда, заҳарланганда ва тез тиббий аралашув ҳар қандай шароитда кўрсатилишини талаб қиладиган бошқа ҳолатларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури. Шошилич тиббий ёрдам кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдамни ўз ичига олади (ПКМ 832);

<p>чекловчи тадбирлар (карантин) - юкумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;</p> <p>Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари — интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда муомалага киритилган дори воситалари;</p> <p>қон билан ишлаш хизмати - давлат соғлиқни сақлаш тизимининг донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш бўйича ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари мажмуи;</p> <p>қўшимча овқат маҳсулотлари - бола ёшининг физиологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилган, тавсия этилган муддатларда она сутига, она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларга қўшимча сифатида гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар рационига киритиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари;</p> <p>юқори технологик тиббий ёрдам - янги мураккаб ва (ёки) даволашнинг ноёб усулларини, шунингдек, самарадорлиги илмий исботланган даволашнинг ресурс тежайдиган усулларини, шу жумладан тиббиёт фани ва илм-фан ҳамда техниканинг ўзаро боғланган тармоқлари ютуқлари асосида ишлаб чиқилган хужайрали технологияларни, роботлаштирилган техникани, ахборот технологияларини ва ген инженериясини ўз ичига олган ихтисослашган тиббий ёрдам тури (<i>ПКМ 832</i>);</p> <p>юкумли ва паразитар касалликлар- инсонга у яшаётган муҳитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиган инсон касалликлари;</p> <p>ВССГ — Кальметт-Герен бацилласи: -сил касаллиги микробининг вакцина сифатида қўлланиладиган кучсизлантирилган штамми (қўриниши).</p>	
<p>105-модда. Махсус экспертизалар ўтказиш</p> <p>Аҳолининг ва алоҳида шахсларнинг соғлиғи ҳамда касалланиш ҳолатини махсус экспертиза қилишнинг санитария-гигиеник ва бошқа турлари, шунингдек лойиҳа ҳужжатларининг, техник ҳамда бошқа ҳужжатларнинг, усқуналарнинг, асбоблар ҳамда аппаратларнинг, кимёвий моддаларнинг, турли бирикмаларнинг, материаллар ва муҳитларнинг, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг, саноат буюмларининг, радиоактив материаллар ва радиациявий техникаларнинг экспертизалари давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширувчи органлар, санитария-эпидемиология хизмати муассасалари, илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа</p>	<p>105-модда 1-бандига қўшимча:</p> <p>корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятларини юритишда ходимлар саломатлигига таъсир этувчи омилларни касбий хавф хатарини баҳолаши, ходимлар саломатлиги бўйича ноқулай меҳнат шароитлари</p>

<p>ташкilotлар томонидан буюртмачининг маблағлари ҳисобидан ўтказилади.</p> <p>Махсус экспертларни ўтказиш тартиби, буюртмачиларнинг, эксперт муассасаларининг ҳамда экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.</p>	<p>билан боғлиқ монеликлар мавжуд бўлганда улар касбий яроқлилигини аниқлаши ва профилактик сўт, даволаш профилактик овқат, газланган шўр ичимлик суви, махсус кийим ва шахсий ҳимоя васиталари билан таъминлаши лозим.</p>
<p>107-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси — бу аҳоли учун хавф туғдирувчи юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишининг олдини олишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига инсон учун хавф туғдирувчи товарлар, кимёвий, биологик ва радиоактив моддалар ҳамда юклар олиб кирилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси санитария-карантин назоратини амалга ошириш ва чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш йўли билан таъминланади.</p> <p>Санитария-карантин назорати давлат санитария назоратини амалга оширувчи тегишли органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтиш пунктларида амалга оширилади.</p> <p>Юқумли ва паразитар касалликларнинг пайдо бўлиш ёки тарқалиш хавфи юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг, улар ўринбосарларининг тақдимномасига кўра тегишли ҳудудларда ёки объектларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиши мумкин.</p> <p>Чекловчи тадбирлар (карантин) ўтказиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.</p>	<p>107-модда 5-қисмида</p> <p>белгиланган тадбирга асосланиб “Тиббий кўрикдан ўтказиш” тушунчасини киритиш.</p>

<p align="center">123-модда. Меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертизалаш</p> <p>1. Фуқароларнинг касаллик, шикастланганлик, ҳомиладорлик, туққанлик, оиланинг бетоб аъзосини парваришлаганлик, протез қўйдирганлик, санаторий-курортда даволанганлик муносабати билан ва бошқа ҳоллардаги меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини экспертизалаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.</p> <p>2. Меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертизалаш давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволовчи шифокорлари томонидан ўтказилади ва улар фуқароларга меҳнатга лаёқатсизлик варақасини беради. Хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларида даволанган фуқароларга меҳнатга лаёқатсизлик варақалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўядиган тартибда берилади.</p> <p>3. Меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик экспертизаланганида ходимни соғлиғининг ҳолатига қараб вақтинча ёки доимий равишда бошқа ишга ўтказиш зарурати ва муддати аниқланади, шунингдек фуқарони белгиланган тартибда, шу жумладан унда ногиронлик белгилари мавжуд бўлган тақдирда тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига йўллаш тўғрисида қарор қабул қилинади.</p>	<p align="center">123-модда 2-бандига қўшимча киритиш:</p> <p>Тиббий меҳнат экспертизаси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлидаги 195-сон қарори асосида)</p>
<p align="center">82-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш</p> <p>1. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади.</p> <p>2. Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецептлар бўйича ёки тасдиқланган Рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатига кўра рецептсиз амалга оширилади.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки дорихоналар томонидан тайёрланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишга рухсат берилади.</p> <p>4. Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини харид қилиш, чакана реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.</p> <p>5. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланган “Яхши дорихона амалиёти” (GPP) талабларига мувофиқ, амалга оширилади.</p> <p>6. Дорихона дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни, шунингдек уларни тайёрлашни амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс шаклида ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклида</p>	<p align="center">82-моддаси 8-бандига</p> <p>Дорихона мудир олий фармацевтик маълумотга, дорихона филиалининг мудир хам олий фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак. Истисно тариқасида шаҳобча (филал) мудирлари Фармациядан бошқа ёндош йўналишлардан бирини Саноат фармацияси, Фармация касб таълими, фармацевтик стандартизация ва сифат менежменти каби йўналишларни тамомлаган бўлишига рухсат этилиши лозим.</p>

<p>ташкил этилиши мумкин. Дорихоналарнинг филиаллари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари ҳам дорихоналар жумласига киради.</p> <p>7. Дорихоналар санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиклантириш маҳсулотларини, маъданли сувларни, шунингдек даволаш-косметика маҳсулотларини, биологик фаол қўшимчаларни реализация қилишни уларнинг қўлланилиши ва реализация қилиниши учун тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга ошириши мумкин.</p> <p>8. Дорихона мудир олий фармацевтик маълумотга, дорихона филиалининг мудир эса фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.</p> <p>9. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, бериш, реализация қилиш қоидаларига ва уларнинг сифатини таъминловчи сақлаш шароитларига дорихоналар томонидан риоя этилиши керак.</p> <p>10. Дорихоналар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бериши керак.</p> <p>11. Дори воситалари дорихоналарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўлланилишига рухсат этилган дори моддаларидан (субстанциялардан) тайёрланади.</p> <p>12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Тайёрлашга рухсат этилган дори воситалари рўйхатига киритилмаган дори воситаларини тайёрлаш тақиқланади.</p> <p>13. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, шунингдек уларни сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайдиган тартибда дорихоналар томонидан амалга оширилади.</p>	
--	--

